

Ғазабни ютиш – қийин, лекин...

Комиллик сифатларидан бири кечиримлиликдир. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ушбу фазилатни таърифлаб: **“Аллоҳ таоло (бошқаларнинг) хатосини кечирганинг фақат шарафини орттиради”**, деганлар (*Имом Муслим ривояти*). Ҳамма ҳам хато қилиб қўяди. Хато иш қилганларни кечириш керак. Мабодо бераҳм бўлсак, инсоний муносабатларга путур етади, бундай ҳолатда эзгуликнинг устидан ёвузлик ғалаба қозониб қолиши мумкин. Бунга йўл қўймаслик лозим, кечиримли бўлайлик. Ана шунда эзгулик ғолиб бўлади.

Бир ояти каримада Аллоҳ таоло бандаларига қуйидагича хитоб қилган: **“Ва агар авф этсангиз, кўнгилга олмасангиз ва айбларини кечирсангиз, бас, албатта, Аллоҳ кечирувчи ва раҳмли Зотдир”** (*Тағобун сураси, 14-оят*).

Аллоҳ таоло кечирувчи Зот. Кечиримлиликнинг қанчалар буюк фазилат эканини Аллоҳ таолонинг Одам алайҳиссалом тавбасини қабул қилганидан билса бўлади.

Баъзида инсон ўзи қилаётган ишни тўғри деб билиб, хатога йўл қўяётганини эътироф этгиси келмайди. Шундай ҳолатда унга ўз хатосини тан

олмай, адашаётганини эсла-тиб қўйиш мусулмончилик одобларидан экани Куръони каримда баён этилган. Ғазабни ютиш энг қийин ишлардан бўлиб, уни жиловлаб олиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Лекин қалбида тақвosi бўлган инсон ғазабига ғолиб бўла олади.

Шу ўринда аёллар, айниқса, ёш келинларга айтадиганим – эрингиз бирор нарсадан дарғазаб бўлдими, ноҳақ бўлса ҳам унга гап қайтарманг! Чунки бундай қилсангиз, оловга керосин сепган бўласиз. Ўзингизни босинг. Сиз ҳам ғазабланманг. Оташли дақиқалар ўтади. Сабр қилинг... Аллоҳ таоло ғазаби келганида уни ичига ютадиган, одамларни авф қиладиган кишиларни мақтаб, улар ҳақиқий тақводор эканликларини ва улар учун кенглиги осмонлар ва ерга қадар бўлган жаннатлар тайёрлаб қўйилганини айтган.

Инсоннинг олижаноблиги, иззату шарафи унинг кечиримлилигида намоён бўлиши билан бирга бу фазилат туфайли унинг мартаба ва даражаси янада юксалади.

Кечириш қалбларимизни гина-кудуратлардан, хафагарчилик ва озорлардан сақлайди.

Робия Адавиййа раҳматуллоҳи алайҳонинг вафоти яқинлашганида шогирдларига бундай васият қилгани айтилади: “Авф қилишда иккиланманг, ўзингиздан бошқа ҳаммани кечиринг, лекин ўз нафсингизни асло кечирманг. Чунки у айтганлари қилинса, (гуноҳларга мойил бўлиб, Аллоҳнинг ғазабига ва дўзахга тушишингизга сабаб бўладиган) асл душманингиздир! Ҳаммани кечиринг! Зеро, комил инсон бошқаларнинг дўзахда азобланишига сабабчи бўлишга рози бўлолмайди”.

Ушбу насиҳатдан ҳам кечиримлиликнинг қандай улуғ фазилат экани аён бўлмоқда. Катталар ушбу масалада фарзандларимизга ибрат бўлайлик. Биз бир-биримизни авф этсак, иншоаллоҳ, ёшлар, келгуси авлодларимиз ҳам бир-бирларига кечиримли бўлишади. Шу орқали меҳр-оқибат ва яқинлик бардавомлиги таъминланади.

Аллоҳ таоло барчамизни кенгфезл, кечиримли, сабрли ва яхши муомалали, бағрикенг бандаларидан қилсин. Зеро, Аллоҳ таоло кечиримли бандаларини яхши қўради.

Тилла БЕКЕНОВА,
Гулистон шаҳар
бош отинойиси

Мундарижа

Ғазабни ютиш – қийин, лекин... ..	1
Мўминнинг белгилари ва унга ёт сифатлар.....	3
Олти хислат – жаннатга кафолат.....	4
Садақанинг сояси... ..	5
Аёлга, фарзандларга адолат маърифатдандир.....	6
Аллоҳ сизга доим насиҳат қилур.....	7
Эй қизим!.....	8
Жаннат хушхабарини олган аёл.....	10
Аёлларнинг ҳайздаги ҳолатлари.....	12
Келин-куёвга ғулсни ким ўргатади?.. ..	13
Ҳомиладор аёлга ҳам талоқ тушадими?.....	14
Меҳр туфайли гуноҳи кабирадан сақланди... ..	16
Кийим ахлоққа ҳам таъсир қилади.....	17
Эрнинг аёлига мактуби.....	18
Аза либоси динимизда йўқ.....	20
Аминаи Рамлийа.....	21
Nabiy alayhissalomning yonlarida bo'lishni istaysizmi?.....	22
Ғам-андуҳни кетказишнинг 27 йўли.....	24
Дока рўмолнинг қуриши... ..	25
Аҳиллик шайтонни мағлуб қилади.....	26
Бир чимдим меҳр.....	27
Унутилаётган фазилатлар.....	28
Ўгай она.....	30
Синиқ идишдан ичиш жоизми?.....	32



Мўминнинг белгилари ва унга ёт сифатлар

Мўминнинг яна бир белгиси мулойимликдир. Қуръони каримнинг бир неча оятларида мулойимлик, юмшоқ муомалага тарғиб қилинган.

“Аллоҳнинг раҳмати сабабли (сиз, эй Муҳаммад) уларга (саҳобаларга) мулойимлик қилдингиз. Агар дағал ва тошбағир бўлганингизда, албатта, (улар) атрофингиздан тарқалиб кетган бўлур эдилар...” (Оли Имрон сураси, 159-оят).

Пайғамбаримизнинг ўзлари ҳалимликда энг юксак намунадирлар. Бунга қуйидаги ҳадис далилдир: у зот масжидда саҳобийлар билан суҳбат қуриб ўтирганларида бир аъробий бурчакка бориб пешоб қила бошлади. Буни кўрган саҳобийлар уни жазолашга ўтдилар. Шунда Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **“Тўхтанглар, уни менинг олдимга чақиринглар, пешоб қилган жойини бир идиш сув билан ювиб юборинглар, сизлар осонлаштирувчи қилиб юборилдингизлар, қийинлаштирувчи қилиб эмас”**, дедилар.

Биз мўминлар дунёда ва охиратда ҳам мукаррам бўлишимиз учун гўзал хулқли бўлишимиз керак. Яна Расулимиз дедилар: **“Инсонларни**

жаннатга энг кўп киритадиган нарса тақво ва гўзал хулқдир” (Имом Термизий ва Имом Ҳоким ривояти).

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анхудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Мўмин киши таъначи, лаънатчи, фаҳш сўзловчи ва базий (сўконғич, аччиқ сўзли) бўлмайди”**, дедилар (Имом Термизий ва Имом Ҳоким ривояти).

Аслида, сўкиш гуноҳ ва қабиҳ иш бўлиши билан бирга, катта гуноҳ ҳамда ҳалокатларга элтувчи йўл ҳам ҳисобланади.

Ҳақиқатан, кўполлик, дағаллик ўзаро келишмовчиликларга, низоларга сабаб бўлади. Айниқса, кўплаб тушунмовчиликлар ғийбатнинг орқасидан келиб чиқади.

Мўмин киши ғийбатдан тилини тийиши керак. Ғийбат инсонлар ўртасида ихтилоф, адоват ва душманлик уруғини сочади.

Пайғамбаримиз даврларида қачон бирор ғийбат қилинса, бадбўй ҳид келаркан. Ҳозир қанча ғийбат қилинса ҳам, ҳеч билинмайди. Сабаби нимада?

Бугунги кунда аксарият одамлар ғийбатчи бўлиб

кетган. Икки-уч одам йиғилди дегунча ғийбат қизийди, кўшни кўшнини, ҳамкасблар бир-бирини ғийбат қилишади. Ғийбат “ош-нон”га айланиб қолгани сабабли ҳаммаёқ ҳидланиб кетган ва одамлар худди кўнчининг келинидай ҳид сезмас бўлиб қолган.

“Мўминлар ва мўминлар бир-бирларига дўстдирлар. (Одамларни) яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан қайтардилар, намоз(лар)ни мукамал адо этадилар, закотни берадилар ҳамда Аллоҳ ва (Унинг) Расулига итоат этадилар. Айнан ўшаларга Аллоҳ марҳамат кўрсатур. Албатта, Аллоҳ қудратли ва ҳикматлидир” (Тавба сураси, 71-оят).

Баъзиларни ейиш-ичиш ва муомалада парҳезкор кўрасиз. Аммо сўзларига риё аралашади. Ростгўй бўлишни истаса-да, уни охиригача етказолмайди. Охирига етказса ҳам, мақтовга сазовор бўлиш учун баландпарвоз гапларни ишлатади, ҳурматга эришиш учун ўзини кўз-кўз қилади. Иззатталаблигидан гапириш керак бўлган жойда жим туради.

Бошида айтганимиздек, мўминнинг белгиларига эътиборли бўлиб, уларга эргашиб ҳар биримизнинг олдимизга қўйган мақсадимиз бўлиши керак.

Саломат ЧОРИЕВА,
Бухоро шаҳар отинойсиси

Убода ибн Сомит розияллоху анху ривоят қилади: «Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бундай дедилар: **“Олти нарсага кафил бўлсангиз, мен сизга жаннатга кафил бўламан: “Сўзлаганда рост сўзланг, ваъда берсангиз, бажаринг, омонатни адо этинг, фаржингизни сақланг, кўзингизни қуйи солинг ва қўлингизни тийинг”»** (Имом Аҳмад ривояти).

“Сўзлаганда рост сўзланг”. Дарҳақиқат, Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **“Албатта, ростгўйлик яхшиликка, яхшилик эса жаннатга етаклайди”** (Имом Бухорий ривояти), деганлар.

Мусулмон хулқининг асоси ҳар ишда рост туришдир. Чунки ростлик – ишонч, ёлғон эса шубҳадир.

да ёмон гумон қилишинг уни заҳарлаб ўлдиришинг билан тенг”, деб огоҳлантирган.

Қуръони каримда гумонлар туфайли ўзларини жасур деб ҳисоблайдиган, ақллари ни хурофотлар билан тўлдирган, бугунги кун ва келажакларини ёлғонлар билан барбод қилган қавмлар қораланади. Парвардигор уларнинг ҳолини бундай баён қилади: **“Уларда бу ҳақда ҳеч қандай илм йўқ. Гумондан бошқа нарсага эргашмаслар. Албатта, гумон ҳақиқат ўрнига ўтмас”** (Нажм сураси, 28-оят).

Ойша онамиз розияллоху анҳо: **“Пайғамбаримиз алайҳиссалом учун ёлғондан кўра ёмонроқ хулқ бўлмаган. Бир киши Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳузурларида бир ёлғон гапни га-**

Олти хислат – жаннатга кафолат



Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **“Гумондан четланинг. Чунки гумон гапларнинг энг ёлғонидир”** (Имом Бухорий ривояти), дейдилар. Уламолар бундай дейишган: “Киши гумони сабабли кўпроқ алданади. Суфёни Саврий раҳимахуллоҳ: “Биродаринг ҳақи-

пирар эди. У зот ўша киши ўша ёлғонидан тавба қилганини билмагунларича ундан **ғазабланиб юрар эдилар”**, деган (Имом Аҳмад ривояти).

Ёлғон кишининг қалбига фасод олиб кировчи чинакам ахлоқсизликдир. Ушбу иллатни ўзига одат қилиб олган киши инсонийлигини йўқотади.

Ёлғон сўзлаш кўрқоқлик, ожизлик ҳамда мунофиқлик аломатларидан. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бундай огоҳлантирадилар: **“Тўрт (хислат бор), улар кимда бўлса, аниқ мунофиқ бўлибди. Кимда улардан биттаси бўлса, то уни ташламагунича, унда мунофиқликдан бир хислат бўлади: омонат топширилса, хиёнат қилади; гапирса, ёлғон гапирди; аҳдлашса, аҳдни бузади; жанжаллашса, фожирлик қилади”** (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Ёлғончи кишидан одамлар нафратланади ва унга нисбатан ишончлари йўқолади.

Ёлғоннинг зарар доира-си қанча кенг бўлса, гуноҳи ҳам шунча катта бўлади. Ёлғон хабарларни тарқатувчилар, одамларга катта-катта ваъдаларни бериб, амалга оширмайдиганлар, ғаразли мақсадларда пок инсонларга туҳмат қилувчиларнинг жиноятлари энг жирканч ва манфурдир. Аллоҳ таолонинг динига нисбатан ёлғон тўқиш оғир гуноҳ. Пайғамбаримиз алайҳиссалом бундай огоҳлантирадилар: **“Менга нисбатан ёлғон тўқиш, бошқа бирор кишига ёлғон тўқиш каби эмас. Ким менга нисбатан қасддан ёлғон тўқиса, дўзахдан жойини олаверсин!”** (Имом Бухорий ривояти).

Биз фарзандларимизнинг сўзлари ва феълларига ростликни, тўғрилиқни сингдиришимиз зарур. Пайғамбаримиз алайҳиссалом ота-оналар фарзандларига ёлғон гапирмасликлари лозим эканини таъкидлаганлар. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу ривоят қилади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ким боласига: бу ерга кел, деб кейин унга бирор нарса бермаса, у аёл ёлғончидир”**, дедилар (Имом Аҳмад ривояти).

Муниба ҲАЙДАРОВА
тайёрлади

САДАҚАНИНГ СОЯСИ...

Бир аёл ҳар сафар ўғилларидан бирининг хулқида ёмон ўзгариш кўрса, дарров садақа қилиб, таом тарқатар ва: **“Уларнинг молларидан садақа ол. Бу билан уларни поклайсан, тозалайсан ва уларнинг ҳаққи-га дуо қил...”** (Тавба сураси, 103) оятини ўқиб, дуо қиларди. Жумладан, “Ё Аллоҳ, ушбу садақам фарзандимнинг ахлоқи покланиши учун, унинг бу ҳоли менга у касал бўлиб қолганидан оғирроқ”, дер эди.

Бошқа бир аёл камбағал эди. Шу сабаб садақа қилишга ҳеч нарса тополмасди. Эри ёки ўғли бирор айб, гуноҳ содир қилса, кечаси туриб, Бақара сурасини зам қилиб, намоз ўқиб ва: “Ё Аллоҳ, мендан ушбу ибодатни қабул эт. Уларни солиҳ бандаларингдан қил”, дея дуо қиларкан.

Нима учун вафот этган инсон дунёга қайтиш имкони берилса, бошқа ибодатлар эмас, садақа қилишни танлайди? Бу ҳақда Куръони каримда: **«Ва бирингизга ўлим келиб: “Эй Раббим, агар менинг ўлимимни яқин муддатга орқага сурсанг, бас, садақа қилиб солиҳлардан бўлсам”, демасдан аввал Биз сизларга ризқ қилиб берган нарсалардан нафақа қилинг»** (Мунофиқун сураси, 10-оят), дейилган.

Нима учун “Умра қиламан” демайди, “Намоз ўқийман” демайди, “Рўза тутаман” демайди, балки “Садақа қиламан” дейди?!

Илм аҳли дейди: “Вафот этган киши ўлиmidан кейин садақанинг фойдаси қай даражада улкан бўлишини кўргани учун ҳам шундай дейди. Садақани кўпайтиринглар, албатта, мўминлар қиёмат кунда садақотларининг сояси остида бўладилар...”

Араб тилидан
Анвар АҲМАД таржимаси



Аёлга, фарзандларга адолат таърифатдандир

Оила – муқаддас қўрғон. Ундаги гўзал муносабатлар орқали инсон ишончли келажакни, кексаликдаги азизлигини таъминлаши мумкин.

Соф севги, садоқат, одамийлик, меҳр-оқибат билан миллий қадриятларимизга амал қилиб яшайдиган оилаларда тарбияланаётган фарзандлар оила қўрғонини маҳкам тутадиган, юрт корига ярайдиган инсонлар бўлиб вояга етадилар.

Абдурахмон Жомий ҳазратлари бундай дейди:

Беадаблар ишқ йўлидан кўп йироқ,
Ишқ йўли одоб эрур бошдин-оёқ.

Оилада ишқдаги одоб чегарасидан чиқмаган эркаклар хиёнатдан йироқ, муносабатларда доимо адолатли бўла оладилар. Шу маънода, оилада ана шу меъёрлар устун бўлмоғи керак. Энг асосийси эса барча хусусларда бўлгани каби оилавий муносабатларда ҳам динимиз буюрганидек йўл тутиш мўминнинг “динининг ярми” бўлди демакдир. Зеро, оиласи хотиржам инсон касбу кориди ҳам, ижтимоий муносабатларда ҳам, ибодатларда ҳам барчага ўрнатилган бўлгудек умр кечиришини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Бироқ баъзи ҳолатлар борки, барчани бирдек ташвишга солади. Айрим ҳамюртларимиз нафсига эргашиб, гулдек оиласини пароканда қилиб, ўзининг масъулиятларини унутиб, ҳам жамиятда муаммолар пайдо қилмоқда, ҳам Аллоҳнинг қаршисида гуноҳкор бўлмоқда.

Ривоят қилинишича, саҳобалар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: “Зиммамизда хотинларимизнинг қандай ҳақлари бор?”, деб сўрашганда, У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Еганингизда уни ҳам едирмоғингиз, кийганингизда кийдирмоғингиз, юзига урмаслик, ёмон сўзлар билан ҳақорат қилмаслик, фақат хонадан чиқмаган ҳолда ўринни бошқа қилиб ётмоқлик”**, дедилар (Имом Абу Довуд ривояти).

Дарҳақиқат, бугун жамиятимиздаги ажримлар, ўртада қолаётган етим болалар, боқувчисиз қолиб, нотўғри йўлларга кириб қолаётган бева-лар, фарзандини боқиш учун хорижга чиқиб, қул-



га айланиб қолаётган аёллар муаммоларининг асл сабаби аксар ҳолларда эркакларнинг оила нафақаси борасида Аллоҳнинг амрларига итоат этмаётганидандир.

Баъзида ёлғиз оналарнинг боласини тарбиясига жиддий эътибор қаратаётганини, таълимида ҳеч оқсатмаётганини ёки онасиз қолган болаларини кўз қорачиғидек асраб, жамиятга нафи тегадиган инсонлар қилиб етиштираётган оталарни ҳам кўрамиз ва бундан барча мамнун бўлади.

Шундай экан, эрнинг хотин устидаги ҳақлари, хотиннинг эр устидаги ҳақлари нималардан иборат эканини, ота зиммасида болаларнинг қандай ҳақлари борлиги борасидаги динимизнинг ҳаётбахш таълимотини тўғри ўргатайликки, оила бошлиғи бўлган ҳар бир эркак аёли ҳам, болалари ҳам унга Яратганнинг омонати эканини унутиб, аро йўлда қолдириб кетмасин.

Раҳбар сифатида танланган азиз эркаклар, унутманг, охиратда даргоҳи илоҳийда бу омонатларга қилган муносабатингиз борасида сўраласиз!

Муқаддам СУЮТОВА,
Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани
“Заркент” маҳалласи отинойиси



Аллоҳ сизга доим насиҳат қилур



“Албатта, Аллоҳ адолатга, эзгу ишларга ва қариндошга яхшилик қилишга буюради ҳамда бузуқчилик, ёвуз ишлар ва зулмдан қайтаради. Эслатма олурсиз деб (У) сизларга (доимо) насиҳат қилур” (Наҳл сураси, 90-оят).

Насафий раҳимахуллоҳ оятдаги “адл” (адолат) калимасини фарз, эзгу ишлар деб, “эҳсон”ни (эзгу ишларни) нафл деб тафсир қилган.

Абу Лайс Самарқандий раҳимахуллоҳ “адл”ни Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ эканига иқрор бўлиш, “эҳсон”ни инсонларга яхшилик қилиш ва ёмонликларини авф этиш деб тафсир қилган.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом Жаброил алайҳиссаломдан эҳсон ҳақида сўраганларида: “*Эҳсон – Аллоҳ таолони кўриб турганингдек ибодат қилишинг. Агар сен Уни кўрмасанг ҳам, У сени кўради*” (Имом Бухорий ривояти), деб жавоб берганлар.

Қариндошларга яхшилик қилишда инсоний ҳақ билан бирга қариндошлик ҳақи ҳам бўлади. Абу Бакра розияллоху анху ривоят қилади: «Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “*Аллоҳ охиратда жудо бўлиши билан дунёда ҳам жазосини берадиган гуноҳ зўравонлик ва қариндошчиликни узишдир*”, деганлар» (Имом Абу Довуд, Имом Ибн Можя ривоятлари).

Имом Насафий раҳимахуллоҳ оятдаги “фаҳш” (бузуқчилик)ни ҳаддан ташқари ёмон гуноҳ, “мункар(ёвуз ишлар)”ни ақл инкор этадиган гуноҳ ва “бағий” зулмни ва кибр билан тажовуз қилиш деб тафсир қилган.

“(У) сизларга (доимо) насиҳат қилур”. Дарҳақиқат, Аллоҳ таолонинг ояти карималари эсли-хушли одамлар учун насиҳатдир. Аллоҳ бизга меҳрибонлиги туфайли хайрли амал ишларга чорлаб, ёмон амаллардан огоҳлантирган.

Ушбу ояти карима Усмон ибн Мазъуннинг мусулмон бўлишига сабаб бўлган. Усмон ибн Мазъун бундай дейди: «Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан уялганимдан Ислом динига киргандим. Чунки у зот менга Исломни кўп маротаба таклиф қилгандилар. Бу оят нозил бўлганида у зотнинг ҳузурида эдим. Шудан сўнг иймон қалбимга маҳкам ўрнашди. Сўнг буни Валид ибн Муғийрага ўқиб бердим. У: “Аллоҳга қасам, унда ҳаловат ва гўзаллик бор. Унинг боши манфаатли ва охири эса баракотлидир. У банданинг сўзи эмас”, деди.

Тошкент ислом
институтини ўқитувчиси
Фарҳод ЖўРАЕВ тайёрлади.

Тамаддунларнинг равнақи бевосита аёллар маърифатига боғлиқ. Мисрлик машҳур олим Шайх Али Тантовий раҳимахуллоҳнинг (1909–1999) “Мисбаҳ” нашриётида чоп этилган “Эй қизим!” китоби ушбу масалани теран англаб етган олимнинг узоқ йиллик тажрибалари натижасидир. Фарзандлар оналарнинг фазилатлари туфайли етук инсон бўладилар, эрлар ҳам аёлларининг кўмаги ила Раббимизнинг йўлида собитқадам бўлишади. Муҳтарам журналхонларимизга, вояга етаётган мастура қизларимизга манфаатли бўлади деган эзгу ниятлар билан ушбу китобдан парчалар бериб боришга қарор қилдик. Мутолаангиз мароқли бўлсин!..

Шайх Али ТАНТОВИЙ

ЭЙ ҚИЗИМ!

Эй қизим! Бу мактубимни ўқиётганингизда неча ёшда бўласиз, билмайман. Нима бўлганда ҳам, сўзларимга диққат билан эътибор беринг. У вақтларда сизга бу гапларни айтгани шароитим бўлмаслиги мумкин. Вақтим ва имкониятим борида ёзиб қўйяпман. Ҳар бир гапимни жон қулоғингиз билан тингланг ва қабул қилинг. Луқмони Ҳаким ўғилларига насиҳат қилганчалик ҳикмат билан насиҳат қилолмасам ҳам, Аллоҳ илҳом берганича ҳаракат қиламан. Мен биламанки, ҳар бир қиз учун отанинг гаплари жуда ҳам улуғ туради. Агар у мактуб шаклида бўлса, таъсири яна-да кучли бўлади.

Эй қизгинам! Сизга биринчи айтадиган насиҳатим – Аллоҳдан кўрқинг! Ҳамма нарса Унинг қўлида, барча куч-қудрат соҳиби – У, барча яхшилик ва ёмонлик Унинг изни билан бўлади. Агар Аллоҳдан кўрқсангиз, бошқа ҳеч нарсадан кўрқмайсиз. Агар Аллоҳдан кўрқмасангиз, ҳамма нарса сиз учун кўрқинчли бўлади.

Қизалоғим, ҳеч кимга иккита кўрқув берилмайди. Бу дунёда Аллоҳдан кўрқмаганлар охиратда кўрқувда, азобда; бу дунёда Аллоҳдан кўрққанлар охиратда хотиржам бўлишади. Сиз иккинчи тоифадан бўлинг.

Эй қизчам! Мен сизга ояти каримада Луқмоннинг ўз ўғлига қилган насиҳати билан насиҳат қиламан. Ўғилчам деган жойларини “қизчам” деб ўқинг.

“Луқмон ўғлига ваъз-насиҳат қилиб айтганларини эсла: Эй ўғилчам! Аллоҳга ширк келтирма. Албатта, ширк катта зулмдир!” (13-оят). “Эй ўғилчам! Намозни тўқис адо қил, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтар ва ўзингга етган мусибатга сабр қил. Албатта, булар азм этилажак ишлардандир.

Одамлардан такаббурлик ила юз ўғирма ва ер юзида кибр-ҳаво ила юрма. Албатта, Аллоҳ ҳеч бир мутакаббир ва мақтанчоқни севмас. Юришингда мўътадил бўл ва овозингни пасайтир...” (17–19-оятлар).

Эй қизчам! Сиз худди тонгда гул япроғига қўнган шабнамдек топ-тоза, беғуборсиз. Юзингизга ҳали гард қўнмаган, тўлин ойдек, гуноҳсиз фариштадексиз. Мен доим шу ҳолда қолишингизни хоҳлайман. Шайтоний сифатлардан, катта-кичик гуноҳлардан, энг асосийси, жаҳаннам ўтидан сизни қизганиман. Охиратда даражангиз улуғ бўлса-ю, мен пастдан бўлса ҳам, сизга фахр билан қараб



турсам дейман. Фирдавс жаннатларига эсон-омон етиб олсангиз-у, мен сиздан хотиржам бўлсам, деб орзу қиламан.

Эй қизчам! Умрингиз суратини ўз қўлингиз билан чизасиз. Уни қанчалик чиройли чизсангиз, қиёматда шунча кўп роҳатда бўласиз. Чизган ҳаёт расмингизни кўриб отангиз ҳам қувончга тўлади. Сизга ёмонлик истаган одамларга парво қилманг, улар ҳам

ўз ҳаётларини ўзлари чизишяпти. Ҳар ким ўзи хоҳлагандек чизишга ҳақли. Фақат охирида ҳаммасининг мукофоти ё жазоси бор.

Қизалоғим, кўзим қораси, жажжи фариштам, сизни катта бўлганингизда бундай гаплар билан эркалашга балки хижолат бўларман. Ҳозир ёзиб кўйяпман, катта бўлганингизда ўқиб, билиб олаверасиз.

Эй қизим! Мен бу мактубим орқали сиз ҳақингизда баъзи нарсаларни ёзаман.

Ҳозир бир ёшдасиз. Қадам босиб юришга ошиқяпсиз-у, лекин ҳали мустақил юрганингиз йўқ. Тилингиз анча чиқиб қолди. Биринчи ўрганган сўзингиз ҳарфлари маржондек терилиб, “дада” бўлиб чиқяпти. Иккинчи ўрганган сўзингиз унчалик тиниқ бўлмаса ҳам, “Аллоҳ” деган сўз бўлди. Аслида буниси биринчи чиқиши керак эди, майли, дадангизни яхши кўрганингиз боисидан “дада” дедингиз. Аллоҳ тилингизга ҳам, дилингизга ҳам Ўзининг гўзал исmlарини жойласин! Сўз бойлигингиз кундан-кунга ортиб боряпти. “Она”, “бува”, “опа”, “амма” каби осон талаффузли сўзларни бемалол айтяпсиз. Янги-янги ширин қилиқларингизни ёзмадим, кўз тегмасин...

Бугун сизга бувижонингиз, тезроқ юриб кетсин деб, бозордан оёқ кийим олиб келди. Қадамларингиз яхшилик билан бошланиб, то Сирот кўпригидан ўтганингизча яхшиликда бардавом бўлсин! Илм олишда, тақвода, сабрда собитқадам бўлинг!

(Давоми бор)

Таржимонлар: **Иймон Али КИТОБ АЛИЕВ, Сайдуллоҳ АҲМЕДОВ**

Дунё бир кун, у ҳам – БУГУН

Бу омонат дунёдаги умримиз бизга гул каби чиройли ва жозибатор. Охиратни унуттирадиган даражада ўз мафтункорлиги билан алдаб қўяди. Ибодатларимиздан чалғитади. Шундай бўлса-да, бу ГУЛнинг “умри” қанча?

Дунё ҳам шундай. Умримиз шу гул неча кун “яшаса”, шундан-да қисқа, деган ўй ўтди хаёлимдан. ГУЛнинг иши – инсонларга яхшилик улашиш. У ўзининг жозибаси ва муаттар ҳиди билан инсонларга фойда беради. Сўнгра қовжираб, тупроққа айланиб кетади. Биз ҳам ана шу гулдан ибрат олиб, қисқа умримизда ўз “ифорларимиз”ни таратиб, яхшиликларимизни улашиб яшайлик.

Ортга боқсам, умр жуда қисқа экан.

Бир донишманд айтган:

“Дунё бир кун, у ҳам – БУГУН”.

Эзгуликлар қилиб қолишга улгуришимиз лозим.

Сиз нима дейсиз, азиз ватандош?..

Зарифа МАҲКАМ қизи,

Ўзбекистон мусулмонлари идораси меҳнат фахрийси

Жаннат

хушхабарини олган аёл

Бу улуғ саҳобия Умму Ҳишомнинг онаси Бани Молик уруғига мансуб Умму Холид бинти Холид ибн Яъийш ўз замонидаги аёлларнинг фозиласи эди. Ҳорис ибн Нўъмон Нажжорий билан турмуш қурди. Абдуллоҳ, Абдурахмон, Савда, Амра ва Умму Ҳишом каби ўғил-қизлари бўлди. Бу муборак оиланинг барча аъзолари иймон келтирган ва Умму Ҳишом билан опа-сингиллари байъат аҳлидан ҳисобланади. Ойша розияллоху анҳо ривоятида бу саҳобия аёлнинг отаси ҳақида Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бундай деганлар: **«Уйқумда жаннатда юрганимни туш кўрдим. Шунда Қуръон ўқиётган қорининг овозини эшитиб: “Бу қори ким?”** деб сўрадим. “Бу Ҳорис ибн Нўъмон дейишди”, дедилар. Расулуллоҳ Ойша онамизга: **“Яхшилик шундай бўлади, яхшилик шундай бўлади”**, дедилар. У бошқалардан кўра онасига кўпроқ яхшилик қилувчи эди» (Имом Аҳмад, Абу Яъло ва Имом Ҳоким ривоятлари).

Яна Ойша онамиз айтади: “Бу уммат орасида Расулуллоҳ саҳобаларидан Усмон ибн Аффон ва Ҳорис ибн Нўъмончалик ҳеч ким

ўз онасига кўп яхшилик қилмаган. Аллоҳ икковларидан ҳам рози бўлсин”. Усмон шундай дерди: “Мен Исломга кирганимдан бери ҳеч қачон онамнинг юзига тик қарамадим. Аммо Ҳорис онасига ўз қўли билан овқат едириб қўяр эди. Онаси ўзига буюрган бирон ишни қайта сўрамасди... Жаброил алайҳиссалом Ҳорисанинг саломига алик олган эди”. Исломга даъват дараги Ҳорис ибн Нўъмон қулоғига ҳам бориб етди. У тезда маккалик даъватчи Мусъаб ибн Умайр ҳузурига бориб, ўзининг Исломга кирганини маълум қилди. Айниқса, онаси Жавда бинти Убайд Исломга кирганда шодликдан кўкка учаёзди. Чунки у онасига жуда меҳрибон фарзанд эди. Шу тариқа бутун оиласи Исломга кирди.

Мана шу муборак оила бағрида Умму Ҳишом бинти Ҳорис ажойиб шаклда улғайиб, вояга етди. У бутун қалби билан Аллоҳнинг Китоби ва Расулининг суннатига асосан ҳаёт кечирди.

Нубувват нурини яқиндан кўрган улуғ саҳобия аёл Умму Ҳишом Пайғамбар алай-

ҳиссалом Мадинага келиб Абу Айюб Ансорий уйига қўноқ бўлганларида Бани Нажжор тўққиз ой давомида у зотга навбатма-навбат таом келтириб турди. Саҳобия Умму Ҳишом ўз оила аҳлининг хизматлари тўғрисида бундай ҳикоя қилади: “Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам оиласи билан бир тандирда нон ёпардик. Бу ҳол икки йилга яқин давом этди. Мен Қоф сурасини Расулуллоҳнинг ўзларидан ўргандим. У зот ҳар жумада минбарда одамларга хутба айтганида шу сурани ўқирдилар”. Яна бир ривоятда айтилади: “Расулуллоҳ ҳар жумада хутба қилганларида Қоф сурасини фақат у зотнинг ўзларидан ёд олганман. Биз билан у зотнинг тандирлари бир эди”.

* * *

Умму Ҳишом илм олишга қаттиқ қизиқар, Қуръоннинг кўп сураларини ёдлаб олган эди. Шунингдек, Расулуллоҳнинг сўзларини ҳам жон қулоғи билан тинглар ва кўпдан-кўп ҳадисларни ёд олишга улгурган эди. У Пайғамбар алайҳиссаломдан ҳадис ривоят этиб, ҳофиза ва муҳаддисага айланганди. Ундан синглиси Амра Муҳаммад ибн Абдурахмон ибн Асъад ибн Зурор, Яҳё ибн Абдуллоҳ, Ҳабиб ибн Абдурахмон ибн Ясаф ҳадис ривоят қилишди.

* * *

Набавий ҳижратнинг олтинчи санаси зулқаъда ойида Ҳабиби Мустафо умрага боришларини маълум қилдилар. Атрофларига одам тўпланди. У зотга қўшилиб бир минг тўрт юз киши йўлга тушди. Баъзи ривоятларда бир минг беш юз нафар дейилган. Ушбу ҳайбатли карвонда умрани адо этиш учун чиққан аёллар жамоасида Умму Ҳишом розияллоҳу анҳо ҳам бор эди. Пайғамбар алайҳиссаломнинг умрага чиқишларидан хабар топган Қурайш қабиласи маслаҳат мажлисини ўтказди. Унда мусулмонларни Байтуллоҳга киритмаслик ва уларни умрани адо этишдан қайтаришга қарор қилинди. Қурайшликлар мусулмонларни умра зиёратидан тўсиб қўйдилар. Мушрикларнинг

бу қарорига қарши саҳобалар ўрниларидан ирғиб туриб, ҳеч қачон у зотни ташлаб қочмасликка байъат бердилар. Энг биринчи байъат қилган киши Абу Синон Асадий эди. Салама ибн Акваъ ўзи учун уч марта байъат қилди. Яъни, одамларнинг бошида, ўртасида ва охирида байъат қилган эди. Расулуллоҳ ўз қўлларини тутиб, бу Усмоннинг ўрнидан деб байъат қилдилар. Байъат тугаши билан Усмоннинг ўзи ҳам келиб, Расулуллоҳ алайҳиссаломга яна байъат қилди. Бу байъат фақат мунофиқлардан бири Жадд ибн Қайс деган кимсага насиб этмади. Яъни, байъат бермади. Расулуллоҳ бу байъатни дарахт тагида қабул қилдилар. Улар Расулуллоҳнинг қўлларини ушлаб байъат қилар, Яъқил ибн Ясор эса дарахт шохини у зотга тегмасин деб кўтариб турарди. Бу – Аллоҳ таоло оят нозил этган Ризвон байъати эди:

«(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) **дарҳақиқат, Аллоҳ мўминлардан улар дарахт остида Сизга байъат қилаётган вақтларида рози бўлди**» (Фатҳ сураси, 18-оят).

Умму Ҳишом Ризвон байъатида Аллоҳнинг изни билан Раҳмоннинг беҳиштига киришини билиб беҳад хурсанд бўлди. Зеро, Ҳабибимиз Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Дарахт тагида байъат қилганлардан ҳеч бири жаҳаннамга кирмайди**», деган эдилар (Имом Муслим, Имом Аҳмад, Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривоятлари). Бу шундай буюк фазилат эдики, дунёнинг барча матоҳлари унинг олдида заррача қийматга эга эмасди.

* * *

Хуллас, улуғ хушхабар билан яқунланган биринчи муборак иймоний сафардан кейин бу улуғ саҳобия аёлнинг паймонаси тўлди. Ўткинчи дунёдан неъмат ва фароғат диёрига йўл олди.

Аллоҳ ундан рози бўлсин ва уни ҳам Ўз карами билан рози қилсин. Жойини жаннатул фирдавслардан қилсин.

Шаҳноза ЭРАЛИЕВА тайёрлади.

Аёлларнинг ҳайздаги ҳолатлари

Оиса: Ҳайздан қолган аёл.

Уламолар оиса ёшини ҳижрий 55 ёш дейишган. У ёш милодий ҳисобда эллик уч ёшга яқин бўлади.

Табиблар аёл кўпинча 45 ва 55 ёш орасида оиса бўлади дейдилар. Гоҳида 45 ёшдан олдин ҳайз қони келмай қолиши ёки ҳайзи 55 ёшдан ўтиб келиши ҳам мумкин.

Агар аёл оиса ёшидан ўтганида қора ё қип-қизил рангли қон кўрса, ҳайз бўлади. Масалан, ҳайздан қолган олтамиш олти ёшли аёл қора ё қип-қизил рангли қон кўрса, кўргани ҳайз ҳисобланади. Акс ҳолда, кўргани истиҳоза ҳисобланади.

Оиса талоқ қилинса, иддаси ой билан ҳисобланади. Унинг иддаси уч ойдир. Оиса иддада ўтирганида қора ё қип-қизил рангли қон кўрса, иддаси қайта ҳайз билан ҳисобланади.

Ҳайзнинг энг оз муддати 3 кеча-кундуз

Ҳайзнинг энг оз муддати 72 соат. Масалан, аёл якшанба куни тонгги 5 да бир соат қон кўрса, сўнгра қон келиши

чоршанба куни эрталаб 4:30 гача тўхтаса, сўнг пайшанба куни соат 4:30 да яна қон келиб соат 5 да тўхтаса, ҳайз ҳисобланади. Ҳайзда қоннинг узлуксиз келиши шарт қилинмайди.

Қони якшанба куни тонгги 5 дан бошлаб келиб чоршанба куни тонгги 5 гача давом этса, у қон ҳайздир.

Аёл якшанба куни тонгги соат 5 да қон кўрса ва чоршанба куни тонгги 5 дан озгина олдин қони тўхтаса ва кейин 15 кун қон кўрмаса, у кўргани ҳайз ҳисобланмайди. Чунки кўрган қони 72 соат оралиғида келмаган.

Ҳайзнинг энг кўп муддати 10 кун

Ҳайзнинг энг узоқ муддати 10 кун. Соат билан ҳисобланганда 40 соат. Ҳадиси шарифларда шундай белгиланган. Ҳайзнинг энг оз ва энг кўп муддати ни ижтиҳод ва қиёс билан библи бўлмайди.

Восила ибн Асқоъ, Анас ва Ойша онамиз розияллоҳу анҳум ривоят қилдилар. Пай-

ғамбаримиз алайҳиссалом: “*Ҳайзнинг энг оз (муддат)и уч кун, энг кўп (муддат)и ўн кун*”, дедилар.

“*Ҳайз ва нифос илмидаги олмос тожлар*” китобидан
Юлдуз АСҚАР қизи
таржимаси

Лавр япроғининг фойдалари

Лавр япроғи аёллар учун фойдали бўлишига қарамай, у ҳам бир қанча жиддий кўрсатмаларга эга. У турли хил яллиғланишлар ва ҳайз даврининг бузилишида ёрдам беради, шунингдек, менопауза пайтида гормонал фонни назорат қилади.

Маълумки, лавр япроғи организм учун фойдалидир: у ортиқча суюқликни олиб ташлайди ва ёғларни парчалашга ёрдам беради. Бироқ, ҳомиладорлик ва лактация даврида шифокор билан маслаҳатлашиш зарур.



Келин-куёвга ғуслни ким ўргатади?..

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: “Эркаклар хотинлар устидан (оила бошлиғи сифатида доимий) қоим турувчилардир. Сабаб – Аллоҳ уларнинг айримлари (эркаклар)ни айримлари (аёллар)дан (баъзи хусусиятларда) ортиқ қилгани...” (Нисо сураси, 34-оят). Демак, никоҳда эр улуғланади, чунки унинг зиммасига улкан масъулият юкланади ва аёл унга омонат қилинади.

Бугун ёш оилаларда юзага келаётган муаммоларни, кун сайин кўпаяётган ажримларни кўриб ўринли савол туғилади: Келин-куёвлар никоҳдан мақсад нималигини, унинг масъулиятини тушуниб оила қуришяптими? Қизлар оиладаги бурчини, масъулиятини ўзларига ато этилган ҳақ-ҳуқуқларини англаб келин бўляптими? Йигитлар-чи, улар Аллоҳ белгилаган “қоим” ликнинг нималигини, аёли ва оиласи олдидаги бурчларини тўла тушуниб етяптими?

Динимизда никоҳдан кўзланган мақсадлар бор. Ёшлар ана шуни ўрганиб олишлари шарт. Улар қуйидагилар:

- жуфтлар бир-бирларидан таскин топиши;
- икки томон бир-бирининг ифратини сақлаши. Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бундай деганлар: **“Уч кишига ёрдам бериш Аллоҳнинг зиммасида ҳақдир: адо этишни ирода қилган мукомага, ифратни ирода қилган оила қурувчига ва Аллоҳнинг йўлида жидду жаҳд қилувчига”** (Имом Термизий ва Имом Ҳоким ривояти).

- зурриёт қолдириш;

Ҳозир ёшлардан нега оила қураётгани сўралса, фарзандли бўлиш учун деб жавоб беради. Бироқ оилада низо чиқса, фарзанд охириги ўринга тушади. Унинг руҳияти, ота-она ажрашган тақдирда дунёси остин-устин бўлиши масаласи ҳеч кимни қизиқтирмайди. Ачинарлиси, айрим ўзгарувчан ота-оналар оилавий муаммоларни ҳал эта олмай, аламини болаларидан олиб, уларга руҳий ва жисмоний зарар етказишмоқда. Яқинда ижтимоий тармоқларда хорижга ишлаш учун кетган аёлига жаҳл қилиб, 2 нафар фарзандининг жонига қасд қилган ота ҳақидаги видео тарқалди. Ундан аввалроқ эса оилавий низолар сабаб 3 боласи ва ўзининг жонига қасд қилган аёл мавзуси шов-шув бўлган



эди. Бу эса жамиятимизда оила илми оқсаётганидан, ота-оналарнинг бурчларига масъулиятсизлик қилишаётганидан далолатдир. Фарзандларга оила қурмаслариданоқ ота-оналик фақат боланинг қорнини тўйдириш, жисмини ўстиришдангина иборат эмаслигини, болани иймонли, маънавиятли инсон қилиб камол топтириш муҳим эканини уқтирайлик, бу борада уларга ўрнатилган бўлайлик.

- Аллоҳ омонат қилиб берган фарзандларга чин исломий муҳитни яратиб, мусулмон бўлиб яшаш борасида намуна бўлиш.

Ота-она инсонга балоғат ёшига етганда нима фарз бўлса, ўшани ўргатиш шарт: таҳорат, ғусл, намоз, рўза аҳкомлари... Шунингдек, касбга алоқадор илмларни, ҳалол-ҳаромнинг фарқини билдириш, оила аҳкомларини ўргатиш...

Бугун унаштирилган ёшларнинг аксарияти тўйдан аввал нималар билан бандлиги билан қизиқсангиз, бир хил жавоб: тўйхона гаплашиш, хорижники бўлган мебель ахтариш, келинлик либоси танлаш, таклифнома чиқариш...

Аслида болага ёшлиқдан бу масалалар ўткинчилигини, олдида муҳим вазифалар борлигини уқтириш лозим. Шундагина оиладаги кўп-лаб муаммолар барҳам топади, иншоаллоҳ.

Оилада эркак – подшоҳ, аёл – вазир. Ҳар бир подшоҳга оқил бир вазир керак... Азиз ёшлар, сиз “оила” аталмиш бир давлат барпо қилаётганингизни унутманг. Уни кўз қорачиғидек асраб-авайланг. Бир оила бузилса, Аллоҳнинг Арши ларзага келишини унутманг.

Дилноза ШОДМОНОВА,
Самарқанд вилояти Нарпай тумани
“Наврўз” маҳалласи отинойиси



ҲОМИЛАДОР АЁЛГА ҲАМ ТАЛОҚ ТУШАДИМИ?

Лекин хизматнинг ҳам чегараси бўлади. Келинга хизмат қилдиришда шариат доирасидан ташқари иш қилиш турли нохушликларга сабаб бўлмоқда.

САВОЛ: Энди намоз ўқий бошлаган аёл аввалдан намоз ўқиб юрган кишилар орқасида туриб намоз ўқиса бўладими?

ЖАВОБ: Аёллар ўзларига маҳрам бўлган эркакларга иқтидо қилиб намоз ўқишлари жоиз. Аммо номаҳрам инсон билан бирга намоз ўқий олмайди. Лекин бошқа аёллар ёки маҳрам эркаклар бўлса, булар билан бир жойда намоз ўқишлари ёки бир имомга иқтидо қилиб ўқишлари мумкин.

САВОЛ: Келин ҳайзли вақтда никоҳ ўқилиши мумкинми?

ЖАВОБ: Никоҳ вақтида никоҳланувчилар ёки гувоҳларнинг таҳоратли бўлиши шарт қилинмаган. Аслида никоҳнинг икки рукни бўлиб, биринчиси ийжоб-қабул (никоҳланувчиларнинг ушбу никоҳга розиликлари), иккинчиси гувоҳлар (энг камида икки эркак киши, агар икки эркак топилмаган тақдирда энг камида бир эркак ва икки аёл).

Демак, никоҳ мажлисида мазкур рукнлар топилса ва никоҳланаётган аёл ҳайз кўрган бўлса ҳам, ушбу никоҳ тўғри бўлади. Лекин ҳайз тугамагунча эр-хотин яқинлик қилмай туради. Келин-куёвлар ноқулай ҳолатда қолмаслиги учун тўй ташкилотчилари бу жиҳатларга ҳам эътибор қилишлари тавсия қилинади.

САВОЛ: Келин қайнотасининг ички кийимларини ювмасликка ҳақлими? Қайнонам билан бу мавзуда кўп тортишиб қолжяпмиз.

ЖАВОБ: Келин қайнота ва қайнонанинг хизматини қилиши, дуоларини олиши оиланинг тинч-баракотли бўлишига сабаб бўлади. Албатта, буни ғанимат билиш керак. Агар қайнотанинг кийимларини ювиш учун ҳеч ким бўлмаса, келин ювишида шаръан монелик йўқ.

САВОЛ: Агар аёл ҳомиладор бўлса, эри билан ажраша оладими? Бу вазиятда шариат нима дейди?

ЖАВОБ: Аёл ҳомиладорлик пайтида эри талоқ қилса, хотинга талоқ тушади. Лекин унинг идда муддати ҳомиласини дунёга келтиргунигача қадар давом этади. Иддаси тугамагунча аёл эрининг уйидан чиқмаслиги, эр эса аёлнинг моддий таъминотини қилмоғи лозим бўлади. Агар эр билан аёл яна бирга ҳаётини давом эттириб кетишни хоҳласалар, масаланинг бошқа тафсилотлари ҳам бор бўлиб, бу борада масжид имомига бевосита мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ.

САВОЛ: Эрим билан яшамаётганимга 5 ой бўляпти. Лекин жавобингни бердим, талоқсан, демаган. Қонуний ажрим бўлмаган. Бошқа оила қилсам, никоҳлансам, зино бўлмайдими?

ЖАВОБ: Аёл киши эридан талоғини олмасдан туриб бошқасига турмушга чиқа олмайди. Аввал эридан талоқ олиб, сўнг идда ўтиради ва иддадан кейин бошқа кишига турмушга чиқиши мумкин. Акс ҳолда, никоҳ боғланмайди ва ўзаро алоқалари зино бўлади.

САВОЛ: Аёллар мўйлабини юлса бўладими? Умуман қайси тукларни юлиш мумкин ва қайси жойларни юлиш, қисқартириш мумкин эмас?

ЖАВОБ: Аёл киши (агар ўсиб кетган бўлса) мўйлаб ва соқолини олиши мустаҳаб ҳисобланади. Юзидаги қош каби тукларни олиши, қисқартириши эса жоиз эмас. Юзида ғайриодатий туклар чиқса, уларни олиш мумкин. Бундан ташқари қўлтиқ ва киндик ости тукларини ҳам аёллар худди эркаклар қатори оладилар. Қандай йўл билан кетказса ҳам бўлади. Қирқ кунгача олиш мустаҳаб. Ундан

кам муддатнинг чегараси йўқ. Ҳар ким ўз мижозидан келиб чиқиб тозаланиб юриши мумкин. Аммо қирқ кундан ўтиб кетмаслик керак, макруҳ бўлади (*Холид Сайфуллоҳ Раҳмоний, “Фикҳул ҳалал вал ҳаром”*).

САВОЛ: Инсон ўғай қизига уйланиши жоизми? Онаси билан ажрашиб, қизига уйланса бўладими?

ЖАВОБ: Бир аёл билан хоҳ никоҳда, хоҳ никоҳсиз жинсий алоқа қилган ёки уни шаҳват билан ушлаган, ўпган, кучоқлаган бўлса, ўша аёлнинг онасига ҳам, қизига ҳам уйланиши жоиз эмас.

САВОЛ: Юздаги доғлар бўйича косметологга борса бўладими?

ЖАВОБ: Юздаги доғларни табиий дори-дармонлар, суртиладиган малҳамлар билан кетказиш жоиз. Лекин бу доғлар, модомики, одамга айб бўлмаса, жарроҳлик амалиёти билан кетказилмайди.

Касаллик ёки айб саналадиган доғларни эса маълум шаръий шартлар асосида косметик жарроҳлик билан даволаш жоиз.

САВОЛ: Менинг 5 ёшли қизим бор, исми Айида. Яқинда бир танишимиз исмини ўзгартиринглар, бу исм мусулмонларнинг исми эмас, жинларми ёки шайтонларми – шуларнинг маликасининг исми, деди. Шу ростми, исмини ўзгартиришимиз керакми?

ЖАВОБ: Бу исм исломий исм бўлмаса-да, уни ўзгартириш шарт эмас. Айида ёки Аида исми арабча عائدة (ъааида) сўзининг ўзгартирилган шакли бўлиб, қадимги араб қизларининг исмидир. Маъноси фойда, мукофот, меҳмон, зиёратчи, қайта-қайта такрорланувчи дегани.

САВОЛ: Менинг саволим зино ҳақида. Хўжайиним узоқ йиллар менга хиёнат қилган. Алҳамдулиллаҳ, ҳозир тавба қилиб, менга меҳрибонлар. Қизимиз бор, Хоразмда тиббиёт институтида ўқийди. Илм аҳли зино қайтарилади, дейишади. Лекин мен яхши ният қилиб ўтирибман, иншоаллоҳ, эрим тавба қилган-ку, деб. Шу тўғрими?

ЖАВОБ: Ҳақиқатан, инсон қилган гуноҳига тавба қилган бўлса, унинг гуноҳи кечир-

лади. У сабабдан бирор жазога қолмайди, иншоаллоҳ.

САВОЛ: Одатий суҳбатлашиш вақтида аёл эрига қарата шунчаки “Озғинроғига уйланинг ёки топиб олинг” деса, лекин эр бу сўзларга жавобан ҳеч қандай сўз айтмаса, талоққа оид бўлиб қолмайдими?

ЖАВОБ: Йўқ, ушбу ҳолатда эр-хотинлар ўртасига талоқ тушмайди. Талоқ асосан эрнинг сўзига боғлиқдир. Аёлнинг айтган сўзи сабабли талоқ тушмайди.

САВОЛ: Тумор ва кўзмунчоқлар кўз тегишига қарши фойда беради, деган мазмунда бир мақола ўқиб қолдим. Бунинг ҳукми қандай? Шунингдек, машинага тасбеҳ ҳамда кичкина, ёзувлари майда Қуръон китобини илиб қўйиш масаласида шариятимиз нима дейди?

ЖАВОБ: Баъзи нарсаларни машинага безак сифатида илиб қўйиш жоиз, бунда бир гуноҳ йўқ. Лекин кўзмунчоқ, қалампир, ари уяси ва шунга ўхшаган нарсалардан паноҳ истаб, шу нарсалар мени бало-қазодан асрайди, уларда илоҳий куч бор деб ўйлаш – ботил эътиқод.

Мўмин киши доим Аллоҳ таолога суянади ва У Зотга таваккул қилади. Аллоҳ таолони бало-қазолардан асровчи, ишларни ўнгловчи Зот деб билади ва катта-кичик ишларда фақат Унга сиғинади. Тавфиқ Аллоҳдан.

САВОЛ: Бир киши эрта тонг бомдодга таҳорат олиб, намоз ўқиса ва пешингача фақат ел чиқарса, таҳорат олишдан олдин мустаҳаб қиладими?

ЖАВОБ: Ел ва уйқу сабабли истинжо (мустаҳаб) қилинмайди. Ел, уйқу ва олд, орқа нажосат йўлларида бошқа жойлардан чиққан нажосат (қон, йиринг каби)лардан истинжо қилиш бидъат (яъни, динда йўқ иш).

Олд ва орқа нажосат йўлидан чиққан нажосатлар: сийдик, нажосат (ва бошқа жисмга эга нарсалар) сабабли истинжо қилиш суннат (*Мухтасарул виқоя, Фатҳу бобил иноя*).

Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Фатво маркази
(78) 150-33-44

Меҳр туфайли гуноҳи кабирадан сақланди...

Ташқарида нимадир тарақлаб ерга тушди. Ҳовлига гандираклаб кириб келган Анварнинг ҳансираши ва бўғиқ овоздаги хиргойи си эшитилди. Хотинини кўриб:

– Ҳа, топганимни еб ётибсанми?! Касал эмиш. Ишёқмассан, баҳона қилиб ётиб олгансан! – деб бақира бошлади.

Анвар ҳар доимгидек оёқда зўрға турарди. Шу ҳолида ҳам Саодат бечорани икки муштлаб, уйга кириб кетди. Зум ўтмай, хуррак ота бошлади. Аёл хонасига кириб, узоқ ўйлади: “Бу хўрланишларга қачонгача чидарканман?! Ўзимни ўлдириб қўя қолсам-чи!? Ҳаммасидан кутулардим!” Бўлмағур хаёли нажотдек туюлди гўё. Шунга қарор қилганидан сўнг ўғлининг хонасига кирди.

Дилшод чироқни ҳам ўчирмай, қўлидаги китобини юзига ёпиб ухлаб қолибди. Саодат ўғлининг юзларига узоқ тикилди. Кенг пешонаси, узун киприклари, ҳатто кулгичларига ҳам худди ўзига ўхшайди. Боласига меҳр билан термулиб қараркан, эртадан бошлаб онасини соғиниб йиғлашлари кўз олдида гавдаланди.

Аёлнинг кўзларидан шашқатор ёш куйила бошлади. Ўғлини охирги марта кучоқлаб, ўпмоқчи бўлди. Уни уйғотмаслик учун астагина ёнига ётди. Меҳри товланиб, боласининг оппоқ, лўппи юзларига меҳр билан лабларини босди. Дилшод ярим юмуқ кўзлари билан онасининг юзларини силай бошлади. Қўлларини онаизорининг бўйнидан ошириб маҳкам кучоқлаб, кўксига бошини қўйиб, эндигина ўрнини топган қушчадай ухлай бошлади.

“Мен-ку жонимга қасд қилиб қутуламан. Ўғлим-чи?!” Бу фикрдан Саодатнинг кўнгли алланечук бўлиб кетди. Унга ким қарайди? Отасими?! Аёлига шунча азобни раво кўрган киши боласини ўйлармиди?

Саодатнинг кўзларига боласининг аҳволи кўринди: эртадан кечгача кўчада, кийимлари

юпун, кир-чир... Отасига қолса, ўғлини болалар уйига топшириб юборса керак. Наҳотки ўзи чеккан азоблар суюкли фарзандининг ҳам бошига тушса?! Улғайиб уйланганида, ўқишда ва ишда ютуқларга эришганида қувончини ким билан баҳам кўради? Унга доим бахт тилаб, пешонасидан ўпиб, қўллари дуода бўладиган азиз инсони ким бўлади?! Дилшод худди онасининг ўй-хаёлларини сезаётгандек тушида босинқиради: “Ойижон! Мени ташлаб кетманг!” Саодат ўғлини маҳкам кучоқлади, худди телбалардек юзидан, пешонасидан ўпа бошлади. Дилшод кўзларини очди. Онасининг юзини, қўлларини ушлаб деди:

– Сизни соғиниб қолдим, ойижон!

Саодатнинг қалбидан бир нур чиққандай бўлди. “Фарзандимнинг камолини кўриш учун ҳам ҳар қандай азоб-укубатга чидайман”, дея ўз-ўзига сўз берди.

Она меҳри куёш тафтидан-да иссиқ. Аллоҳ ҳеч бир фарзандни она меҳридан мосуво қилмасин!

Она – ҳар доим фарзандлари учун ўз роҳатидан кеча оладиган хилқат. Шундай экан, оилада онанинг қадр-қиммати бўлиши, уни ҳамма ҳурмат қилиши шартки, токи аёл тоқатидан ортиқ зулм чекиб, жонига қасд қилиш даражасигача бормасин. Бунда асосан оила бошлиғи бўлган эркакларнинг зиммасига қатъий масъулият юкланади. Афсуски, айрим оилаларда аёлнинг, яъни онанинг ўрни ўз эри томонидан поймол қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, фарзандларнинг қувончи ҳам, бахти ҳам онанинг хотиржамлигида, оиланинг тинчлигидадир.

Санам АТОЕВА,

Бухоро тумани бош отинойиси

“Ким бу дунёда ўзини бирор нарса билан ўлдирса, қиёматда ҳам унга ўша нарса билан азоб берилади” (Имом Бухорий ривояти).

Кийим ахлоққа ҳам таъсир қилади

Айрим ёшларимизнинг ғарбона “мода”га тақлидан ярим яланғоч кийинишни одатга айлантираётгани оломон маданиятининг бир кўринишидир. Бу эса бора-бора уларни маданиятимиз, маънавиятимиздан, асрий қадриятларимиздан айиради. Улар онгида худкушлик, гиёҳвандлик, маишат-парастлик, беҳаёлик, ота-онани ҳурмат қилмаслик, ҳар қандай ҳолатда ҳам бу дунёдан завқ олиб, ўйнаб-кулиб қолиш ғаразларини пайдо қилади.

Аллоҳ таоло Куръони каримда бундай марҳамат қилган: **«Эй Одам авлоди! Шайтон ота-оналарингиз (Одам ва Ҳавво)нинг авратларини ўзларига кўрсатиб (уялтириб) жаннатдан чиқаргани каби сизларни ҳам алдаб қўймасин! Зеро, у ва унинг тўдаси сизлар уларни кўра олмайдиган тарафдан сизларни кўрадилар. Биз шайтонларни иймон келтирмайдиганларга дўст қилиб қўйдик»** (Аъроф сураси, 27-оят).

Кийим қайсидир маънода кишининг хатти-ҳаракатини, феъл-атворини ҳам ифодалайди. Ички кечинмалар ташқи қиёфага таъсир қилгани каби либос ҳам ахлоққа таъсир этмай қолмайди. Калта юбка, тор кўйлак теваарак-атрофдаги кишиларда бошқача таассурот уйғотади.

1997 йили БМТнинг оилани режалаштириш, аёллар соғлигига аҳамият қаратиш бўйича ўқув-семинарида иштирок этганим ҳамон эсимда. Ўшанда СПИД, ОИТС касалликларининг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш учун Республика тери-таносил касалликлари шифохонасида бўлиб, беморлар билан суҳбатлашганимизда, улардан бири: “Бу касалликка дучор бўлишимизга қизлар сабабчи. Агар улар калта ва тор кийимларда жисмларини кўз-кўзламаганларида, бу ерда даволанишга маҳкум этилмас эдик”, дейди журналист Зебо Омонова.

Аёл-қизларимиз сарвқомат

кўриниш учун тор-таранг либосларни кийишни модага айлантиришган. Айниқса, қоматни бир неча сантиметр кичикроқ қилиб кўрсатувчи ички кийимларни кийишни ҳам қанда қилмайдилар. Тиббиётда асосланишича, мунтазам тор кийимлар кийиш танада модда алмашинувини издан чиқариб, гинекологик ва эндокринологик касалликларга сабаб бўлади, бепуштликни рағбатлантиради. Хусусан, тор шим кийиш оқибатида қизларда тос суягининг қисқариши, яъни торайиш юз бермоқда. Бу эса аёлни энг олий вазифаси – фарзанд дунёга келтиришдан маҳрум этиши ҳам мумкин. Шунингдек, ички кийимларни танлаётганда табиий матодан тикилганларини сотиб олиш мақсадга мувофиқ, – дейди Бектамир тумани марказий поликлиника шифокори Зумрад Айманбетова.

Ҳа, кийимнинг инсон ҳаётига таъсири катта. Ахлоқсизлик, шармсиз мода ўзини оқламади. Динимиз ва миллатимизга мос кийимлар гуноҳ-маъсиятлардан сақланишимизда асқатади. Бундан ташқари, ўзгаларнинг ҳам бизга эҳтиром билан муомала қилишига сабаб бўлади.

Зеро, Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: **“Эй инсонлар! Дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишингиз учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила (элат)лар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳ наздида (энг азизу) мукаррамроғингиз тақводорроғингиздир. Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор Зотдир** (Ҳужурот сураси, 13-оят).

Бинафша
ЖўРАҚУЛОВА

Ҳассон ЖИБОН

Эрнинг аёлига мактуби

Эй рафиқам!

Менга сенинг ширин ва оҳиста шивирлашларингни эшитишни хуш кўрадиган эркак деб қара. Менга сен хоҳлаган пайтингда пул берадиган пул сарфловчи “машина” деб боқма! Менга то эҳтиёжинг тушадиган вақтгача ташлаб қўядиган бир буюмингдек қарама.

Мендан сенга фақат яхши сўз етишини ва сен-ла гўзал ишрат қилишни хоҳлашимни мақсад қил.

Билгинки, мен Қорун эмасман! Қасрларга ва мулкларга эгалик қилмайман.

Сирларимни қўшнилариингга ва дугоналарингга фош этма. Сен менинг қудуғим ва ёпинчиғим бўл!

Мен билан сўзлашувинг қичқириқ бўлмасин. Мени чақиришинг қағиллаш каби бўлмасин. Мен сен билан қандай бўлишимни истасанг, сен ҳам мен билан худди шундай бўл.

Эй рафиқам!

Бу дунё ҳаёти ҳою ҳаваслар, йўлдан урувчи нарсалар, аёллар, дилхушликлар ва фитналардан иборат. Шу сабаб сен мен учун уларнинг ҳаммасидан афзал бўл. Мени ҳаромдан сақла. Яратилишинг ва ахлоқингда гўзал бўлгинки, назарим сендан бошқасига тушишига ҳожат қолмасин.

Мулкимни ва фарзандларимни асра.

Жисмингдаги мафтун қиладиган ерларинг омонатдир. Тўйлар ва турли муносабатларда фахрланиб, уларни мендан бошқасига кўрсатма.

Ёлғизлигимда ёнимга кел ва менга ошиқлар каби сўйла... Ёлғизлик виждонни ўлдириши мумкин.

Эй рафиқам!

Менга итоаткор бўл. Қачонки сени чақирсам, “Лаббай!” деювчи бўл. Қачонки сенга сўзласам, гапларимга қулоқ солгувчи бўл. Шаънимни сақловчи бўл. Фарзандларимга оқила ва солиҳа тарбиячи бўл...

Тўйларга зийнатланганинг каби мен учун ҳам зийнатлан. Уйдан ташқарига чиққанингда кийинганингдек, мен учун ҳам кийин. Мени шодлик ва табассум ила қаршила, худди қўшнилариинг ва дугоналарингни кутиб олганингдек.

Баъзида дунё мен учун торайиб, шердек бўқиришим, денгиздек мавж уришим мумкин. Шунда патларини туширган каптардек юмшоқ бўл ва мулойимлик билан ғазабим оловини ўчиргин. Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг аёллари – мўътабар оналаримиздан ўрнак ол!

Эй рафиқам!

Дунё – денгиз, охират – соҳил, кема –



тақводир. Инсонлар эса, сафар-дадирлар. Менинг ҳаққимда Аллоҳга тақво қил.

Эй рафиқам, сендан илтимос...

Сенга бўлган муҳаббатимни нафратга айлантирма. Сенга бўлган садоқатимни адоватга айлантирма. Сенга бўлган ҳурматимни ҳурматсизликка айлантирма. Мени эшит, жаҳлинг чиқмасин.

Агар ҳузурингда ўзим учун меҳр топа олганимда сендан бошқанинг қалбидан жой қидирмас эдим.

Хонадон ва фарзандларнинг ғамларидан ҳамда тугамас талабларидан узоқ бўлган ўзимизга хос бир бурчакда вақти-вақти билан кўришиб турганимизда дўстларим ҳузурда бедор бўлиб, ўйин-кулгу қилмас эдим.

Агар сендан ошиқлар сўзини тинглаганимда қулоқларим сендан бошқасига мойил бўлиб, завқланмас, васвасага берилмасмидим.

Сўнгги сўзим...

Сен жамики яратилганларнинг саййиди Муҳаммад солаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларидек бўл.

“Аёлларнинг қандоғи энг яхшисидир?” деб сўрашди у зотдан.

“Қачон назар солса, сурур бағишлайдигани, қачон амр қилса, итоат қиладигани ҳамда эрига ўз жониди ва молида у ёқтирмайдиган нарса ила хилоф қилмайдигани”, дедилар (“Сунан” эгалари ривоят қилишган).

Ё Аллоҳ, ҳолимизни ислоҳ қил, бизга бахтиёр оилавий ҳаётни инъом эт, омин...

Араб тилидан

Одинахон МУҲАММАД СОДИҚ
таржимаси

Гемоглобинни гўштсиз

кўпайтириш мумкин бўлган 5 та рецепт

- Бир стакан ёнғоқ ва бир стакан хом гречкани майдаланг ва бир стакан асал қўшиб, яхшилаб аралаштиринг, ҳар куни бир ош қошиқдан истеъмол қилинг.

- Бир стакан ўрик туршаги, ёнғоқ, майизни майдалаб, асал қўшинг, қобиғи билан 1–2 та лимон қўшинг (лимон ўрнига алое шарбати қўшиш ҳам мумкин), кунига 1–3 ош қошиқдан истеъмол қилинг.

- 100 мл янги сиқилган лавлаги шарбати, 100 мл сабзи шарбати билан аралаштирилади ва ичилади (атиғи 7 кун ичида гемоглобинни оширади).

- 1/2 стакан олма шарбати, 1/4 стакан лавлаги шарбати ва 1/4 стакан сабзи шарбатини аралаштириб, кунига 1–2 марта ичилади.

- Зирк (барбарис) қайнатмасини кун давомида ичиб юриш ҳам яхши самара беради. 100 г зиркни 2 литр сувда 15 дақиқа қайнатилади ва совугандан кейин сузиб олинади ва суткада 1/2 литрдан ичилади.

Нега кечаси асал ейиш яхши

Уйқуни яхшилади: асал табиий тинчлантирувчи восита дейилади. Бу мелатонин ишлаб чиқаришни рағбатлантиради. Кечаси 1 чой қошиқ асал яхши дам олишнинг калитидир. Айниқса, ромашка чойи билан ичсангиз.

Ёғни эритади: ёғни ёқиш механизмлари кечалари кўпроқ ишлайди. Асалнинг ёғ ёқиш хусусиятлари метаболизмнинг тезлашишига асосланган.

Жигарга ёрдам беради: асал ва қовоқ шарбати, жигардан токсинларни олиб ташлашга ёрдам беради.


Жигарни уйда тозалаймиз

Жуда оддий ва фойдали сабзавотли коктейль
Рецепт: 3 та сабзи, 2 та яшил олма, 1 та лавлаги, яримта лимон, янги занжабил илдизи (имбир), исма-лоқ барглари.

Барча сабзавотларни яхшилаб ювиб, блендерда аралаштиринг, ҳосил бўлган сабзавотли ичимликка 2 стакан сув қўшинг.

Коктейлни музлаткичда сақланг!

Робия ТОҲИРОВА тайёрлади.



Аза либоси динимизда йўқ

Қ и ш л о қ -нинг бообрў хонадонларидан бирида қайнона-келин орасига ола мушук оралади. Саида опа келинидан астойдил хафалигини билдириб, ғазаб отига минди. “Зоти пастлигини билардим, айтишувди-я, сизларнинг тенгингиз эмас, деб. Мен бечора ўғлим кўнгил кўйибди, деб рози бўлибман”, деб атайлаб эшиттириб гапирди. Келиннинг дили оғриди. Қишлоқда ҳаммага маслаҳатгўй бўлиб юрган бамаъни қайнонасидан эшитган бу гаплар Гулноранинг жонидан ўтиб кетди. Тугун-тақасини кўтариб, боласини опичлаб, ота уйига кетди.

Бунинг сабаби битта: яқинда Саида опанинг ёлғиз

акаси вафот этди, лекин келин унинг хурматини қилиб, қирқ кун азадор бўлишни билмади. “Ясаниб юрганига ўлайми?” деди Саида опа лаб-лунжини буриб.

Бу дилхиралик икки ойча давом этди. Ниҳоят, қишлоқ отинойсининг қулоғига хабар етди. Отинойи Саида опа хонадонига келди. Суҳбат давомида майитнинг дафн кунидан бошлаб уч кун мотам тутиш шариятимиз кўрсатмаси экани, ундан кейинги хурофий одатлар Исломда йўқлиги, шунингдек, махсус кийиладиган аза либослари ҳам ножоизлигини обдон тушунтирди. Аксинча, келинларни ҳам фарзанд ўрнида кўриб, кўнгилдаги барча гапларни очик айтиш, хато ва камчиликлари бўлса, тўғрилаб кўйиш, яхшисини ошириб, ёмонини яшириш, уларни

тўғри йўлга бошлаш лозимлигини англатди.

Шундай қилиб, келин ўз уйига қайтди, ўртадаги ғубор кўтарилди.

Қайнона ва келин турмушда ҳар доим бир-бирини кўллаб яшаса, ўша уйнинг ҳусни кўркам, файзи баланд бўлади.

Умму Ҳабиба розияллоҳу анхумодан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Аллоҳ ва охират кунига ишонган аёлнинг марҳум учун уч кундан ортиқ аза тутиши ҳаромдир, фақат ўлган эри учун 4 ойу 10 кун аза тутарди”**, дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Нуринисо ЗОЙИРОВА,
Бухоро вилояти
Когон тумани
“Хўжасякшаба”
МФЙ отинойсис

Жигарчилик ришталари узилмасин

Қиз бола балоғат ёшига етар-етмас, остонасига совчилар кела бошлайди. Чунки қизлар 8–9-синфларданоқ кўзга ташланиб қолади.

Эндигина ўрта мактабни тугатиб, олам-олам орзулари қанотида учиб юрган бир қизга яқин қариндошидан совчи келади. Қизнинг ота-онаси “Ўзимники ўзагимдан олмас”, деган хаёлда қиздан сўраб ҳам ўтирмай, қариндошига узатиб юборишади.

Келиннинг биринчи ва иккинчи фарзандлари соғлом туғилади. Аммо кенжасига ҳоми-

ладорлик даври анча енгил кечган бўлса-да, бола даун синдроми билан туғилади. Дўхтир бунинг сабабини қариндошлик ўртасидаги никоҳ экани билан изоҳлайди. Бутун оила, айниқса, онаизор учун аламли бўлган кунлар бошланди. Бу ҳолатга вақт ўтиб кўникишди. Болакай махсус боғчага берилгач, унда бироз ривожланиш кўзга ташланди.

Она минг изтироб билан: “Келгусида нафақат фарзандларим, балки набираларимда ҳам қариндошлар ўртасида никоҳ қилдирмай-

ман. Шифокорлар буни бежизга ман этишмас экан. Бир наслда бўлмаса, албатта, етти авлоднинг бирида носоғлом боланинг туғилиши онанинг кўнглини пора қиларкан”, деди.

Таассуфки, ҳозир ҳам айрим инсонлар қудачилик ришталарини боғлашда ўз яқинларини танлаб, гўёки синалган оила ёки шунча тўплаган давлатим бегонага қолмасин, деган нотўғри андиша билан ёшларнинг бошини қовуштирадilar. Бундай никоҳлардан туғилажак фарзандларнинг нуқсонли бўлиши ҳақида мутахассисларнинг бот-бот таъкидлаши ҳам уларни фикридан қайтармайди. Аксарият оилаларда ногирон фарзанд дунёга келгач эса, ота она-болани тақдир ҳукмига ташлаб, ҳар икковидан воз кечади. Оқибатда жигарчилик ришталари ҳам узилиб кетади.

Минг шукр, мамлакатимизда нафақат соғлом болалар, балки бирор нуқсон билан туғилган гўдакларни парваришlashга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Аммо ҳар бир ота-онанинг энг юксак орзуси фарзандининг соғлом ва баркамол бўлишидир. Бу орзуни мақсадга айлантиришда, албатта, ёши улуғларимиз куда танловида адашмасалар, бўлажак набираларининг кўз қувончи, дил пайванди бўлиб камол топишига замин яратган бўладилар, иншоаллоҳ.

Малоҳат МАМАЖОНОВА,
Марғилон шахри

Аминаи Рамлийя

Авлиё аёллардан. VIII аср охирларида Қуддус яқинидаги Рамла шаҳрида яшаган. Туғилган йили аниқ эмас. 815 (ҳижрий 200) йилда вафот этган. Аминаи Рамлийя илмининг ниҳоятда юксаклиги билан аёл валиялар орасида машҳурдир.

Қалбидан дунёнинг шон-шуҳрат ва молига заррача жой бермасди. Нафсининг завқ ва орзуларидан бутунлай узоқ яшар, ҳар доим Аллоҳ таолога ибодат билан машғул бўлар ва дуо қиларди. Ҳаром ва шубҳалардан қочишини, ҳар бир амални Аллоҳ ризоси учун қилишини ҳамма биларди. Шунинг учун унинг таниганлар мудом дуосини олишни истардилар. Ҳатто замоннинг буюк валийларидан бўлган Бишр Хофий ҳазратлари ҳам ундан муттасил дуо сўрарди. Кунларнинг бирида Бишр Хофий ҳазратлари касал бўлиб қолди. Кекса бўлгани ва мункиллаб қолгани ривоят қилинган ушбу буюк валия Рамладан йўлга чиқиб, Бишр Хофийнинг зиёратига келди. Ўша вақтда ҳанбалий мазҳабининг асосчиси Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ҳам беморнинг зиёратига келган эди. У Бишр Хофийнинг ёнида ўтирган кампирнинг кимлигини сўраганида унинг Аминаи Рамлийя экани айтилди. Буни эшитган Имом Аҳмад ибн Ҳанбал дарров ўзининг дуога эҳтиёжи борлигини айтди ва ундан дуо сўради. Шунда Аминаи Рамлийянинг бундай дуо қилгани ривоят этилган:

“Эй Аллоҳим! Бишр Хофий ва Аҳмад ибн Ҳанбал жаҳаннам азобидан қутулишни истаса, уларни қутқар ва афв эт. Эй марҳамати ва саховати мўл Аллоҳим! Сен марҳаматлиларнинг энг Марҳаматлисидирсан...”



Nabiy alayhissalomning yonlarida bo'lishni istaysizmi?



Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: **“Um-matimning barchasi jannatga kiradi. Faqat bosh tortgani kirmaydi”**, dedilar. Shunda sahobalar: “Yo Rasululloh, qanday bosh tortadi?” deb so'rashdi. **“Kim menga itoat qilsa, jannatga kiradi va kim menga osiy bo'lsa, haqiqatan, u bosh tortibdi”**, dedilar.

Suyuklilarim, endi sizlarga Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning ba'zi hadis va sunnatlarini keltiraman. Ularga amal qilib, o'zgalarga ham yetkazsangiz, jannatga kirishingiz, u zot alayhissalomning yonlarida o'tirishingiz, Havzi Kavsarlaridan suv ichirishlari, jannat mevalaridan yedirishlari va siz bilan hamsuhbat bo'lishlariga sabab bo'ladi.

* Kim Rasululloh sollallohu alayhi va sallamni yaxshi ko'rsa, Umar ibn Abu Salamaga taomlanish borasida o'rgatgan odoblariga ergashadi.

Bir kuni Umarning jajji qo'llari dasturxon-da tovoqning goh o'ng, goh chap tomoniga, goh o'rtasiga uzatilsa, goh idishdan tashqariga chiqqa boshladi. Payg'ambarimiz alayhissalom esa unga mehr-shafqat bilan boqib turardilar. Kichkina bo'lgani uchun hech kim unga taomlanish odobini o'rgatmagan edi. Suyukli Payg'ambarimiz alayhissalom: **«Ey bolakay, “Bismillah”ni aytgin, o'ng qo'ling bilan va oldingdan yegin»**, deb ta'lim berdilar (*Muttafaqun alayh*).

* Kim Rasululloh sollallohu alayhi va sallamni yaxshi ko'rsa, uxlash odobiga rioya qiladi, uy-

qu oldidan aytiladigan duolarni o'qib, o'ng tarafiga o'girilib yotadi.

* Kim Rasululloh sollallohu alayhi va sallamni yaxshi ko'rsa, majlis odoblarini o'rganadi.

O'zidan kattalarning hurmatini o'rniga qo'ya-di. Shuningdek, kattalarning so'zini bo'lmaydi.

* Kim Rasululloh sollallohu alayhi va sallamni yaxshi ko'rsa, xoh o'zining, xoh o'zganing uyiga kirishdan oldin ruxsat so'raydi. Maktabda sinfga kirish uchun ruxsat so'raydi va katta-kichikka salom beradi.

* Kim Rasululloh sollallohu alayhi va sallamni yaxshi ko'rsa, Abdulloh ibn Abbas, Sufyon ibn Uyayna singari ilm oladi va buning uchun ajr olishini biladi.

Ibn Abbas aytadi: “Men ilm talab qilishga, do'stim chavandozlikni o'rganishga kirishdi”. Kunlar o'tdi. Ibn Abbas qattiq mashaqqat chekib, olim va faqihga aylandi. Sahobalar u bilan mashvarat qiladigan bo'lishdi.

Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning sahobalaridan ko'plari vafot etib ketdi. Bu orada odamlar Ibn Abbas roziyallohu anhumoning ilmiga ehtiyoj seza boshlashdi. Uning atrofida to'planib, ilm o'rganishardi. Kishilarning uning ilmiga va fiqhiga ehtiyojmand ekanini ko'rgan do'sti: “Ey Ibn Abbas, sen mendan ko'ra faqihroq eding (ya'ni kelajakka mendan ko'ra yaxshiroq nazar solding)”, dedi.

Ibn Abbos roziyallohu anhumo Payg'ambarimiz alayhissalom vasiyatlariga binoan ilm talab qilishdan to'xtamadi. Nabiy alayhissalom sahobalaridan hadis, Qur'on oyatlari tafsirini, g'oziy va g'azotlar xabarini ham o'rgandi.

Sufyon ibn Uyayna ham ilm olish bilan Nabiy alayhissalomga o'z muhabbatini isbotladi. Bir kuni Shayx namoz o'qish uchun Haramga kirmoqchi bo'ldi. Lekin eshagini nima qiladi? Chiqqunicha unga kim qarab turadi? Shu payt yuklari yonida o'tirgan yosh bolaga ko'zi tushdi va unga: "Namoz o'qib olgunimcha eshagimni ushlab turgin", dedi. Sufyon bir shart bilan rozi bo'ldi. Shayxga: "Toki menga Rasululloh sollallohu alayhi va sallam hadislaridan aytib bermaguningizcha eshakni ushlab turmayman", dedi.

Qarang, bola Rasululloh sollallohu alayhi va sallamni va u zotning so'zlarini qanchalik yaxshi ko'radi!

Shayx: "Senga hadis nima foyda beradi?" dedi. Bola javob qildi: "Allohga qasam, hadis aytib bermaguningizcha eshakni ushlab turmayman". Shayx ayrimlari qiyin bo'lgan sakkizta hadis aytib berdi va namozga kirib ketdi. Chiqqach, boladan: "Ey o'g'ilcham, meni namozdan kechiktirishingga sabab bo'lgan hadislar senga nima foyda berdi?" deb so'radi. Sufyon sakkizta hadisning bir harfini ham qoldirmasdan to'g'ri aytib berdi. Shayx bolaning zehni va fahmidan lol qoldi. Chunki uning yonida yozish uchun qog'oz-qalami yo'q edi. Shayx sevinib ketdi va: "Ey bolakay, sening joying masjid ostonasida emas, balki ilm halqasidadir", dedi.

Shunday qilib, Sufyon Rasululloh sollallohu alayhi va sallam hadislarini o'rganishga kirishdi. Sufyon ibn Uyayna ismli solih olimga aylandi. Odamlarga o'rganishlari uchun Rasululloh sollallohu alayhi va sallam hadislarini rivoyat qilib beradigan buyuk shayx bo'lib yetishdi. Yigirma uch yoshidayoq Harami sharifning muhaddisi edi.

* Kim Rasululloh sollallohu alayhi va sallamni yaxshi ko'rsa, u zotning hadislarini ham yaxshi ko'radi. Imkoni boricha ularni yodlashga, tushunishga harakat qiladi, ularda aytilgan narsalarga amal qiladi.

* **Kim ilm yo'lini tutsa, Alloh unga jannat yo'lini oson qiladi.** Ya'ni masjid, madrasa, maktabga ilm talabida qadam tashlaydigan har qanday yo'lingiz tufayli Alloh sizga jannat yo'lini oson qiladi.

* **"Kim Allohga va oxirat kuniga iymon keltirsa, mehmonini hurmat qilsin".**

* **"Kim Allohga va oxirat kuniga iymon keltirgan bo'lsa, qarindoshlik rishtasini bog'lasin, kim Allohga va oxirat kuniga iymon keltirgan bo'lsa, yaxshi gap gapirsin yoki jim tursin"** (Muttafaqun alayh).

* **"Musulmonlar uning qo'lidan va tilidan salomat bo'lgan kishi musulmondur"** (Muttafaqun alayh).

Ya'ni, musulmon aka-uka va do'stlari uchun yaxshilikni istaydi, atrofdagilarga qo'li, tili bilan (so'kish, g'iybat kabi) ozor yetkazmaydi.

"Sizlarning eng yaxshilaringiz Qur'onni o'rganib, uni o'rgatganlaringizdir" (Imom Buxoriy rivoyati).

Ya'ni, Qur'on oyatlarini o'qib, yod oladi va boshqalarga o'rgatadi.

"Har bir yaxshilik sadaqadir".

"Albatta, kishi do'sti dinidadir. Bas, har biringiz do'sti kim ekaniga qarasin" (Imom Termiziy rivoyati). Ya'ni, solihlar bilan do'st tutinmoq kerak.

"Kim erta va kech namozlarini o'qisa, jannatga kiradi" (Muttafaqun alayh). (Shu tariqa ota-ona bolasiga hadislar yodlatadi. Buning uchun hadya tayin qiladilar. Bolalar o'rtasida musobaqa shukuhini shakllantiradi.)

Qadrli bolajonlarim, Payg'ambarimiz alayhissalomga salavat aytishni ko'paytiring.

Nabiy alayhissalomning siyratlarini o'qing, katta-kichik insonlar hamda jonzotlarga munosabatlari haqidagi qissalarni bilib oling. Shunda u zotga muhabbatingiz ortadi.

Nabiy alayhissalom haqlaridagi qissalarni aytib berish bilan do'stlaringiz va yaqinlaringizning u kishiga muhabbatini ziyoda qiling.

"Kim seni u zotdek yaxshi ko'radi?" kitobidan
Yulduz KOMILOVA tarjimasi

Ғам-андуҳни кетказишнинг


27 йўли

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.)

Ўн биринчи йўл: “Аллоҳумма инний абдук, ибну абдик, ибну аматик. Насияти биядик, мозин фиййа ҳукмук, адлун фиййа қозоук. Асʼзалука биқулли исмин ҳува лак, Саммайта биҳи нафсак. Ав ʼалламтаҳу аҳадан мин холқик. Ав анзалтаҳу фи китабик. Ав истаʼсарта биҳи фи иʼлмил ғойби ʼиндак. Ан тажʼғала Қурʼғана робʼъиа содрий ва жилаʼға ҳузни ва зиҳаба ҳаммий”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ, Сенинг бандангман, бандангнинг фарзандиман, чўрингнинг фарзандиман. Тасарруфим қўлингда, ҳукминг менга жорийдир. Ўзингни номлаб олган ва яратганларингдан бирига билдирганинг ёки Китобингда туширганинг ёки Ўз ҳузурингдаги ғайб илмингда яширган барча исмларингни васила қилиб сўрайман. Қурʼонни қалбимнинг баҳори, кўнглимнинг нури, хафалигимни кетказувчи, ғамимни аритувчи қилгин”.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу айтади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Кимга бирор ғам-қайғу етса: “Ё Аллоҳ, Сенинг бандангман, бандангнинг фарзандиман, чўрингнинг фарзандиман. Тасарруфим қўлингда, ҳукминг менга жорийдир. Ўзингни номлаб олган ва яратганларингдан бирига билдирганинг ёки Китобингда туширганинг ёхуд Ўз ҳузурингдаги ғайб илмингда яширган барча исмларингни васила қилиб сўрайман. Қурʼонни қал-



бимнинг баҳори, кўнглимнинг нури, хафалигимни кетказувчи, ғамимни аритувчи қилгин”, десин. Шунда Аллоҳ таоло унинг ғам-ташвишини аритиб, ўрнини хурсандчиликка тўлдирувчи. Саҳобалар: “Ё Расулуллоҳ, уни ўрганиб олайликми?” дедилар. Набий алайҳиссалом: “**Ҳа, эшитган одамга уни ўрганиб олиши лозим бўлади**”, дедилар» (Имом Аҳмад ривояти).

Ўн иккинчи йўл: “Аллоҳумма, инни аъзузу бика минал ҳамми вал ҳазани вал ʼажзи вал касали, вал бухли, ва золаʼид дайн ва ғолабитир рижал”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ, Сендан ғам-ташвиш, хафалик, ожизлик, дангасалик, бахиллик, оғир қарздорлик ва (жоҳил) кишилар устунлигидан паноҳ сўрайман”.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу бундай дейди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга хизмат қилардим. Ҳар сафар (оят) нозил бўлганда Набий алайҳиссаломнинг: “Ё Аллоҳ, Сендан ғам-ташвиш, хафалик, ожизлик, дангасалик, бахиллик, оғир қарздорлик ва (жоҳил) кишилар устунлигидан паноҳ сўрайман”, деб кўп айтганларини эшитардим» (Имом Бухорий ривояти).

Үн учинчи йўл: “Аллоҳумма инний аъзузу бика мин жаҳдид балаи ва даракиш шақои ва суил қозои ва шамататил аъдаи”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ, қаттиқ балодан, бахтсизлик етишидан, ёмон тақдирдан, душманларнинг хўрлашидан паноҳ сўрайман”.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қаттиқ балодан, бахтсизлик етишидан, ёмон тақдирдан, душманларнинг хўрлашларидан паноҳ сўрардилар” (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Үн тўртинчи йўл: “Ла илаҳа иллаллоҳу ғазимул ҳалийм. Лаа илаҳа иллаллоҳу Роббул ғаршил ғазийм. Ла илаҳа иллаллоҳу Роббус самавати ва Роббул арди ва Роббул ғаршил карийм”.

Маъноси: “Буюк ва Ҳалим Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Буюк Арш Раббисидан ўзга илоҳ йўқ. Осмонлар Раббиси, Ер Раббиси ва Карийм Арш Раббиси Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ”.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу ривоят қилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қайғу-ғамда бундай дердилар: “Буюк ва Ҳалим Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Буюк Арш Раббисидан ўзга илоҳ йўқ. Осмонлар Раббиси, Ер Раббиси ва Карийм Арш Раббиси Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ” (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Юлдуз КОМИЛОВА
таржимаси

Дока рўмолнинг қуриши...

Ҳаётий муаммолар кўпинча учинчи шахс аралашуви билан маддалаб кетади.

Бир аёл эридан шикоят қилиб акасининг олдига борибди ва: “Қаранг, куёвингиз йўқ жойдан жанжал чиқариб, ҳар куни мени уриб-сўкади. Баданимнинг кўкармаган жойи қолмади, энди у билан бошқа яшай олмайман”, дея дийдиё қилибди. Аканинг сингилга раҳми келибди ва бир куни синглиси уйда йўқ пайтни топиб, куёвиникига бориб: “Нега синглимни уриб, ҳақоратлайсан?” дея роса дўппослабди.

Кечга бориб ака бу куёв қилган ишим учун синглимни сиқувга олаётган бўлмасин тагин, дея хабар олиш учун кечки пайт пойлаб борибди. Аста деразадан мўраласа, куёв инқиллаганча кўрпа-тўшак қилиб ётар, синглиси эса эрининг кўкарган, шилинган жойларига малҳам қўйганча ҳадеб: “Сизни бу ҳолга солганнинг қўллари акашак бўлсин”, деб қарғанармиш. Бу манзарани кўрган ака ўзига-ўзи: “Эр-хотиннинг орасига аҳмоқ одам тушаркан”, деган экан.

Ҳа, халқимиз бекорга “Эр-хотиннинг уриши – дока рўмол қуриши”, демаган. Азизлар, қизингизнинг, ўғлингизнинг оиласига ҳадеб аралашаверманг, ортиқча меҳрибонлик ҳам қилиб юборманг. Ўзлари мустақил тарзда муаммоларини ҳал этишсин.

Насиба РАҲМОНБЕРДИЕВА,
Бекобод шаҳар отинойиси



Оилада доимо тинчлик ва тотувлик бўлиши учун эр ва хотин, қайнона ва келин ўз вазифаларини чиройли адо этишлари лозим. Динимизда қайнота-қайнона куёв ва келинга нисбатан қандай мақомда туриши баён этилган. Жумладан, Нисо сурасининг 23-оятда никоҳи ҳаром бўлган аёллар саналиб, қайнона ва келин ҳам зикр этилган. “(Сизларга (никоҳи) ҳаром қилинган (аёл) лар – бу) ...қайноналарингиз, ...ўз пушти камарингиздан бўлган ўғилларингизнинг хотинлари...” дир.

Демак, қайнота келинга маҳрам, қайнона эса, куёвга маҳрам саналади.

Қайнота ва қайнона куёвга ҳам, келинга ҳам отаона ўрнида бўлади ва ёшлар уларнинг ҳурматини жойига қўйиб, розилигини

олишлари лозим. Эркак кишига энг ҳақли зот унинг онасидир. Аёл кишига эса энг ҳақли зот унинг эридир. Ойша онамиздан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом бундай марҳамат қилганлар: “Мен: “Ё Расулуллоҳ, аёл кишининг зиммасида ҳақи энг кўп бўлган киши ким?” дедим. У зот: “**Унинг эри**”, дедилар. Мен: “Эркак кишининг зиммасида ҳақи энг кўп бўлган киши ким?” дедим. У зот: “**Онаси**”, дедилар” (Имом Ҳоким ривояти).

Рисоладаги эркак ҳар доим онаси ва жуфтига ғамхўрлик қилади. Улар ўртасида адолат ўрнатган ҳолда ҳаёт кечиради. Зеро, Аллоҳ таоло Қуръони каримда марҳамат қилади: “**Эркаклар хотинлар устидан** (оила бошлиғи сифатида доимий) **қоим турувчилардир. Сабаб – Аллоҳ уларнинг айримлари** (эркаклар) **ни айримлари** (аёллар)дан

(баъзи хусусиятларда) **ортиқ қилгани ва** (эркаклар ўз оиласига) **ўз мол-мулкларидан сарф қилиб туришларидир...**” (Нисо сураси, 34-оят). Ушбу оят билан Аллоҳ таоло эркакнинг оиладаги мақомини белгилаб берди.


Эр оиланинг бошқа аъзоларига аёлини яхши кўришини, унинг ҳам бу оилада ўз ўрни борлигини эслатиб қўйиши кўп кўнгилсизликларнинг олдини олади. Келин ва қайнона орасида гап қочиб қолса, аёлига қайнона ҳам унга онаси каби эканини тушунтириб қўйиши зарур. Эр ўз аёлига зиммасидаги ҳақи кўп одам онаси эканини уқтириши лозим.

Эрнинг ўз аёлига зулм қилиши шаръий жиҳатдан ҳам тўғри эмас. Чунки эр аёлига гўзал муомалада бўлишга буюрилган. Бир уйда келинни яккалаиб қўйиш, унга паст назарда қараш, камситиш, уриб-сўкиш пасткашлик, энг катта зулм ҳисобланади. Келин ҳам қайнонасини ўз онасидек ҳурмат қилиши, уларни ғанимат билиб, дуоларини олишга интилиши керак. Бу иши эрининг розилигига сабаб бўлади. Эрнинг розилиги эса жаннатга йўлдир.

Яраштирув тадбирлари чоғида баъзи хонадонларда келинга худди хизматкордек муносабатда бўлиш ҳолатлари ҳам гувоҳ бўлди. Баъзи хонадонларда эса аксинча, келинлар йўқ жойдан муаммо чиқариб, катта-катта талаблар қўйиб, эрнинг топганига қаноат қилмай, эри билан қайнонасининг орасига совуқчилик тушишига сабаб бўлмоқда.

Эр онаси ва аёли ҳамда атрофдагиларга бўлган меҳр-эътиборда

Аҳиллик шайтонни мағлуб қилади



бир томонга оғиб кетмаслиги лозим. Она учун солиҳ фарзанд, аёли учун солиҳ эр сиймосини амалда кўрсатиши керак. Икки аёл ўртасини тўғри ислоҳ қилмоғи лозим. Бу эса эрдан ҳикмат, илм ва сабрни талаб қилади.

Инсоннинг энг яхши фазилатларидан бири унинг кечира олиш хислатидир. Шундай экан, муҳтарама қайноналарнинг ёш келинидан ўтган хатоларни кечира билиши ҳам олижанобликдир. Тажрибали қайноналар билмаганларини ўргатса, бағрикенглик қилсагина, оилада тотувлик ҳукм суради. Келинлар ҳам хатоларини тан олиб, узр сўраши қайноналарнинг меҳрини зиёда қилади.

Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: **“Кичикларимизга раҳм қилмаган, катталаримизни ҳурмат қилмаган, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтармаган киши биздан эмас”** (Имом Термизий ривояти).

Кечиримлилик динимизда мақталган сифатлардандир. Ўзгани кечириш нафсга ёқмаса ҳам, бу катта можароларнинг олдини олади, келгусидаги хотиржамликни таъминлайди. Оилавий ажримларнинг камайишига сабаб бўлади.

Дилбар РАҲМАТОВА,
Китоб тумани
бош отиноийиси

Бир чимдим меҳр



Аксарият ҳолларда оилалардаги нотинчликлар, эр-хотин келишмовчиликлари, қайнона-қайнота билан мураса қилолмаслик замирида меҳрнинг етишмаслиги ётади. Ҳаттоки улар орасидаги жанжалларда аниқ сабаб бўлмаса ҳам. Шундай бўлса-да, ёшларнинг ажрашишгача бориши ачинарли ҳолат. Қайнона-келин муносабати баъзи ҳолларда шу даражагача борадики, қайнона келинининг камчиликларини тасвирга олиб, уни оналик ҳуқуқидан маҳрум этмоқчи бўлади.

Аёл эридан нолиб, кўча-кўйда дардини дастурхон қилади. Ўзининг ғишавалари руҳиятига салбий таъсир қилиб, эрини кундан-кунга ёмон кўриб боради ва у билан бирга яшамаслик учун турли хил важларни ўйлаб чиқара бошлайди. Биз ана шундай ҳолатларда бир чимдим меҳр уларнинг ҳаётини ўзгартириб, гўзаллаштириши мумкинлигини уқтиришимиз керак. Масалан, фарзандларимизга бўлган муносабатни олайлик. Улар қанча хато қилса ҳам, барибир уларни севиб, ҳар қандай ҳолатда кечиришда давом этаверамиз. Чунки биз ва фарзандларимизни боғлаб турадиган мустаҳкам ришта – меҳр бор.

Азиз аёллар, турмуш ўртоғингизни, қайнонанингизни ёки келинингизни шундай меҳр билан севингки, уларнинг борлигига шукрлар қилинг! Зеро, Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: **“Қасамки, агар (берган неъматларимга) шукр қилсангиз, албатта, (уларни янада) зиёда қилурман”** (Иброҳим сураси, 7-оят).

Дарҳақиқат, сизу бизни аёллик, оналик, оила бекаси каби неъматлар билан сийлаган Раббимизга беадад ҳамду санолар бўлсин!

Меҳригул ШОНАЗАРОВА,
“Ҳафқориён” маҳалласи отиноийиси

Унутилаётган фазилатлар

– Болам, стулинг йўқми ўтиришга, бунтик туриб ейманми?

Отахоннинг берган бу саволига сотувчи:

– Ҳа, ҳамма туриб еяпти-ку, – деб бепарво жавоб берди.

Кўчадаги ушбу тамаддихонада чиндан ҳам қаёққадир шошиб кетаётган йўловчилар тез-тез овқатланиб, йўлини давом эттиришади.

Бундай манзарага деярли ҳар кун дуч келамиз. Бироқ динимизда белгиланган, саломатликнинг асоси бўлган таомланиш илмига, одобига зид мазкур ҳолатни бартараф этиш борасида мушоҳада қилмаймиз.

Авваллари оналаримиз ўтириб егин, ерга ушоқ тушади, дерди. Болалигимиздан ердаги нон ушоғини олиб қўйишни ўргатганлар. Овқатланишдан олдин қўлимизни ювардик ва “Бисмиллаҳ” билан таомни бошлардик. Бироқ йўлда ёки шошиб еб кетаётганларнинг, умуман, шошган одамнинг ёдига “Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм” жумласининг келиши, қўлини ювиши... билмадим.

Динимизда тик туриб ейишдан қайтарилиши борасида яна бир ривоят келтирилган. Имом Муслим Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам тик туриб ичишдан қайтардилар. Қатода розияллоҳу анху: “Таом ейишни-чи?” деди. “У жуда ҳам ёмон”, деди.

Энди кўчалардаги “Бир зумда”, “Минутка” каби ана шундай тамаддихоналар хўрандаларга таом беришнигина эмас, сифатли хизмат қилишни ҳам ўйласа, фойдадан холи бўлмасди. Ахир фақат ҳамённи ўйлаш тўғри эмас. Халқимизнинг асосий қисми мусулмонлар, тадбиркорлар уларнинг талаби ва таом-

ланиш одобини ҳурмат қилса, яхши бўларди.

Таомланиш ҳам бир илм. Чунки таомланишдаги ҳар бир ҳаракат учун охиратда жавоб берилади. Ана шу масалаларни атрофдагиларга, хусусан, ёшларга ўргатишимиз керак. Айни шуни билмасликлари натижасида ортиқча вазн, ошқозон касалликлари ва бошқа турли хасталикларга чалинмоқдалар. Зеро, динимизда таомланиш борасида тавсиялар бор. Масалан, Имом Аҳмад ва Имом Термизий Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилишади: **“Инсон қорнидан ёмонроқ идишни тўлдирмайди, одам боласига белини қоим қиладиган кичик луқма кифоядир. Бас, қориннинг учдан бири таом, бири сув ва қолгани нафас учундир”**, дедилар. Туриб ёки юриб еган инсон учун жой фақат таомга бўлади. Сабаби, бу ҳолатда очлик ҳисси бартараф бўлмайди ва кўп нарса ейишга тўғри келади.

Яна бир жиҳатга тўхталмоқчиман. Бугун пулларини сарфлаб, тўғри овқатланишга бораётган, озиш учун хорижнинг таркиби номаълум, таъсири ноаниқ қўшимча озуқаларидан фойдаланаётганлар қанча! Шунга ишонадиган инсонлар динимизда тўғри овқатланиш, соғлом озиш ҳақида фойдали ва энг муҳими йиллар давомида исботланган қоидаларни ўрганмаса... Биз озишни ўрганаётган Европа давлатлари исломий амаллар билан озишга, соғлом бўлишга ҳаракат қилаётир. Ахир, рўзанинг фойдалари хусусида илмий асослар, дунё тан олган ҳақиқатлар жуда кўп!

Камола АДАШБОЕВА

Айтайин бир сўз сенга...

“Аллоҳ гўзал амал
қилувчиларни севади”.
(Оли Имрон сураси, 148-оят.)

Айтайин бир сўз сенга: асло
дилозор бўлмагин,
Айлабон дилларни вайрон,
ҳеч зулмкор бўлмагин.

Дейдилар: турли бало
бесуяк тилдан келур,
Яхши сўз айтмай сира
аччиқ тиканзор бўлмагин.

Ҳотами тойдек сахий бўл,
қўлларинг турсин очик,
Керакли бўлгин барчага,
феъли танг-тор бўлмагин.

Онаю опа-сингил
қўнгиллари яйрат,
Хушклом бўлгин ҳамиша,
заҳри қўп мор бўлмагин.

Дунё орттирмоқ мубоҳ-
дир солиҳ амаллар учун,
Кирмасин қалбингга кек,
зулматли ғор бўлмагин.

Камтарин бўлгин замин-
дай, сен башар фарзандисан,
Баъзи бир каслар
каби олчоқ риёкор бўлмагин.

Инсон тафаккур-ла
тани меҳрибони – Раббисин,
То тириксан, ол илм, жоҳил-
га дўст-ёр бўлмагин.

Қосимхон ЙЎЛДОШ,
Фарғона вилояти

Шукроналик

Мухаммас

Қаён борсам, ғаму меҳнат ёнимда ҳамдамим бўлди,
Мудом Раҳмон нигоҳдорим, лаъин шайтон ғаним бўлди,
Кўтарсам бош ҳаё бирла шарм пок маъманим бўлди,
Фақат даргоҳи ҳақ танҳо топинган масканим бўлди,
Дуогўйим Момо Ҳаввою устоз Одамим бўлди.

Шукр дейман, атаб Инсон, мукаррам айлади Аллоҳ,
Жамики махлуқот ичра мусалламайлади Аллоҳ,
Оёқ, қўл, онг, забон берди, муаззам айлади Аллоҳ,
Намоз, рўза, закот, ҳажга мусамам айлади Аллоҳ,
Ҳаёт – дарёйи дун ичра балиқдай оққанним бўлди.
Етишдим васли Каъбангга, кўзим ёши бўлиб дарё,
Яна такрор аён ўлди: Тиласанг бергай ул Аллоҳ...
Бўйин кўрсатди ул фоний ва лекин беқарор дунё,
Бошимни Равзага қўйсам, юкинсам холисанлиллаҳ,
Шу дам гўё Расулulloҳ отамдек маҳрамим бўлди.
Намоз берди, ниёз берди, ўшал изҳори ишқ асли...
Ўтирдим жойнамоz узра, ўшал боғи биҳишт асли,
Паришон руҳим осуда, салот роҳат қилиш асли,
Кўзимдан сел бўлиб қалбни оқартирган сиришк асли,
Фақат шул дам бўлиб озод, ҳаловат топганим бўлди.
Севинтирди бериб фарзанд, ҳисобсиз давлатим шулдир,
Юрарлар ўнгу сўлимда, мадору қувватим шулдир,
Мен – она, бу шараф-шону, мақому мансабим шулдир,
Яратганнинг мукофоти, ҳузурим, роҳатим шулдир,
Уларни бахтиёр кўрсам, дам асли шул дамим бўлди.

Шукрким, қавму қардошу, вафоли дўстларим бисёр...
Бири кетса, бири йўқлаб садоқат айлагай изҳор.
Ўзинг Раҳмон, Раҳимдурсан, Азизу, Холиқу, Ғаффор,
Яқинларимни дўст тутгил, қиларман илтижою зор,
Қаро шомим ёритган нур – шу дўсту ёрларим бўлди.
Муҳаббат солди қалбимга, Уни иймон ила севдим,
Йироқ кетдим жаҳолатдан, илм-ирфон ила севдим,
Ғаму дарду фироқ ичра яримта жон ила севдим,
Курашларда нажоткорим – ҳадис, Қуръон ила севдим,
Камолотим – эгиб бошим, итоат этганим бўлди.

Яшарман чин қаноатда, бўлай тупроқдайин хоксор,
Тилимда зикри Аллоҳу – хатоларга бўлиб иқрор,
Сабрни кўксимга босдим, шукр – кўнглимда пок тумор,
Ҳаёт берди, илм берди, Ватан бор – саждагоҳим бор!
Шукр айлаб, нажот топдим – муродга етганим бўлди.

Дилором КАРИМОВА,
Филология фанлари номзоди, доцент

Аҳмад Лутфий ҚОЗОНЧИ

Ўгай она

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.)

Одилбек ҳаётдан мамнун кўринарди. Кўринадими эмас, ҳақиқатан мамнун. Чунки Фотима ўгай она эмас, ўз оналаридай болаларга талабчанлик ва меҳр билан қарамоқда. Энди болалар узоқ давом этган дардли ҳаётдан фориғ бўлдилар. Одилбек азонда уйдан хавотирсиз, хотиржам чиқади. Ишига кўнглида роҳат, қалбида ҳузур билан келади. Буюк фалокат ўрнига саодат келганини, тушида кўрганлари туш бўлиб қолганини англаган ва шукр айтган бир қул қай аҳволда бўлса, Одилбек ҳам шу ҳолда. Гўдакларига боқиб раҳматлидан бир омонат эканини, бирга аччиқ-чучук кунларни кечирган хотинини хотирлайди. Баъзан чарчаган пайтларида “Фотима” дейиш ўрнига “Хайрия” деб юборай дейди-ю, ақлини йиғиштириб олади. Баъзан уйқу аралаш ёнидаги Фотимани Хайрия деб ўйлаб қўярди. Хавфли томони шунда эдики, уйқу аралаш оғзидан унинг исми чиқиб кетиши мумкин эди. Унда Фотимахоним ўзини яхши кўрмаслигини, ҳануз у Хайрияга боғлиқ эканини ўйлаб қолиши мумкин. Бунинг оқибати яхши деб бўлмайди. Қайси эркак уйланган хотинини аввалги эридан сўз очишини, очганда ҳам унга боғланиб қолганини эшитишни истайди?

Аввалги эрини ҳар кеча мақтайверган хотинини учовимиз бир ўринга сиғмаймиз, деб уриб ётоқдан улоқтирган Афандининг ҳолига ўхшайдими бу? Баъзан пишган таом Хайрия тайёрлайдиган овқатга ўхшашлиги, Хайрия уни келтирганда ейман, деб оғзини куйдиришлари уни икки-уч йил аввалги хотираларга қайтарарди. Яна у билан боғ-

лиқ хотираларга беихтиёр берилиб кетарди. Фотимадан шикоят бормиди? Шунинг учун аввалги хотинини унутолмаяптими? Йўқ, у ҳақиқатни инкор ёки оёқости қиладиганлардан эмас. Дўконида сотиладиган қаҳва ва шунга ўхшаш қимматли бир нарса ни тортаркан, тарозининг қарши палласига қаҳва солиниб ўралган қоғоз оғирлигича фойдани харидор зарари ҳисобига уриб қоладиган сотувчида виждон борлигини гапириш лозимми?

Бир неча бор айна ўзи каби виждонли бир харидорнинг:

– Одилбек, ўрайдиган қоғозни текин олмайсан. Шундай экан, зарар кўрасан, – дегач:

– Фойдамиз қоғоз харажати қоплайди, – деб буни кўнгил розилиги билан қилаётганини айтарди. У тижоратида виждон талабидан келиб чиқиб қўйилган фойдадан зиёдасини ўзига муносиб кўрмас ва баракот шунда эканига ишонар эди. Бундай тушунчага эга кишининг болаларига ҳаловат ато этган, уларни ўз онаси каби бағрига босган, ўзининг ҳурмати ҳам ўрнига қўйган хонимдан шикоят этишга имкон бермаслиги кундай равшан. Албатта, хонимига муносиб тарзда ҳурмат кўрсатяпти, фақат одобу тарбияси, самимияти янада зиёда ҳурмат этишга лойиқ экан, уни хафа қилмаслик учун, ҳеч бўлмаса, Хайрияхонимни унинг ёнида хотирламасликни истарди.

Фотимахоним Қуръон ўқишни биларди. Бошланғич мактабни тугатгач, махсус курсга қатнаб, хатм қилган. Курсда Қуръони каримни сўнгига қадар ўқиган бўлса ҳам, ҳар бомдоддан сўнг Каломуллоҳ тиловатини одат қилган. Аллоҳ каломини ўқи-



гач, унинг завқи ва ҳаяжони билан ишларини бошларди. Келин бўлгач ҳам, бу одатини давом эттирди.

Келган ҳафтасининг жума оқшоми эди. Одил акасига мурожаат қилди:

– Қуръон ўқишни биласизми?
– Йўқ! Бу жиҳатдан омадсиз ва саводсизман.

– Саводли бўлишни истайсизми?
– Қандай?
– Сизга Қуръон ўқишни ўргатсам, нима дейсиз?

– Шу ёшдами?
– Ёшингизга нима қилибди? Инсон Қуръон ўқишни ўрганиши учун мутлақо гўдак бўлиши керакмас-ку... Кўнгил хоҳласа, бу ёшдагина эмас, йигирма йил кейин ўрганиш мумкин. Отам ёзув алмашганда ёши бир жойга бориб қолган кўплаб кишилар янги ёзувни ўрганганини айтар эдилар.

– Яхши, қанчада ўрганишим мумкин?
– Киришишингиз, ҳаракатингизга боғлиқ. Ҳар оқшом бир соат машғул бўлинса, бир ойда бемалол ўқишингиз мумкин. Вафот этган қанча қариндошларингиз икки саҳифалик тиловатга оч одамнинг овқатга бўлган эҳтиёжидан кўра кучлироқ эҳтиёж билан кўз тикадилар. Бомдоддан сўнги ўқиладиган ўн дақиқалик оятлар қалбга қандай туйғулар солишини тиловат қилгач, англаймиз.

– Жуда мамнун бўлардим, қўлларингни ўпаман. Шу оқшомдан кечиктирмасдан дарҳол бошлаймиз.

Одилбек айтганидек, шу кечадан ўқишни бошлаб юборди. У сўзида турадиган инсонлардан эди.

Фотимахонимнинг айтгани тўғри чиқди. Одилбек бир ой ўтгач, инсоният ҳидояти учун юборилган шарафли Китобни ҳурматли ва суюкли хонимининг ёрдами билан кечқурунлар бемалол ўқийдиган бўлди. Бу илк қадам эди. Бундан сўнг мазкур китобда кўрсатилган, оқибати мутлақо саодат бўлган исломий ва инсоний қонунларни ўрган-

моқ учун унинг туркий таржимасини ўқиб чиқишга қарор қилишди.

Бир кун Одилбек уйга қўлида бир қоғоз халта билан қайтди. Ўзини очиқ чеҳра билан қаршилаган хонимга уни узатаркан:

– Қимматли устозимга ҳадыям бу, – деди. Қоғоз халта очилди. Гўзал бир либос эди. Фотимахоним эрининг юзига боқиб:

– Ташаккур! Аммо менинг болаларимга ҳадыя қани? Мен кийиб, улар шундай қоладиларми?

– Уларга ҳам бўлади. Бир ҳафта ўтсин, иншоаллоҳ. Уларнинг ҳам кўнгилларини кўтараман.

– Буни олган дўкон эгаси билан дўстлигингиз борми?

– Бор.
– Яхши, агар менга қулоқ солсангиз, буни эртага элтиб бериб, ўрнига болаларимга икки ҳира олинг. Қаранг, кунлар ҳам совий бошлади. Ҳам кўнгилларини оласиз, совуқ емайдилар. Уларни хурсанд, шод этсангиз, мен севинаман. Ўзим кийганимдан зиёда роқ қувонаман.

Бу сўзлардан Одилбекнинг кўзларида ёш пайдо бўлганди, икки томчи ёшга қармаслик учун кийимни тахламоққа киришган Фотимахоним бошини кўтармасдан илова қилди:

– Ҳам мен бундай эмас, қимматлироқ ҳадыя хоҳлайман.

– Нимани истайсиз, Фотимахоним?
– Хоҳлаганимни хуфтондан кейин айтаман.

– Ҳозир айтинг!
– Ҳозир пайтимас.

Буни англашдан ожиз қолган Одилбек хотинини ортиқ қистамади.

Фотимахонимнинг лутфи учун Яратганга жон-дили билан шукр қилди.

Ўйнагани чиққан болалар уйга қайтишганида камзул қоғоз халтачага жойланиб, яшириб қўйилганди.

(Давоми келгуси сонда.)

Йўлдош ЭШБЕК таржимаси

Синиқ идишдан ичиш жоизми?..

Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади: **“Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг идишлари синди. Сўнг синган жойини кумуш билан улаб олдилар”**. Осим (ҳадис ровийларидан бири): “Мен шу идишни кўрдим ва ундан сув ичдим”, деган (Имом Бухорий ривояти).

Абу Саид Худрий розияллоху анхудан қилинган ривоятда у зот айтдилар: **“Набий соллаллоху алайҳи ва саллам идишнинг синган жойидан ичишдан қайтардилар”**.

Хаттобий айтдилар: **“Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг қайтаришларининг сабаби – ичувчининг лаби яхши ўрнашмагани боис юзига, киймига сув тўкилади”**, дедилар.

Ибнул Малак қўшимча қилиб: **“Ёки идишни ювиш пайтида ўша синиқ жойи яхши ювилмаслиги натижасида идиш тўлиқ тоза бўлмай қолади”**, дедилар (Имом Абу Довуд ривояти) (**“Мирқотул Мафотиҳ” китоби, 7-жилд**).

Демак, агар идиш пиёла, коса бўлиб, унинг чети учган бўлса, айнан ўша жойига оғиз қўйиб ичишдан Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам қайтарганлар. Бунинг сабаби сифатида у зотнинг умматга мушфиқ ва меҳрибон бўлганларини кўра-миз. Чунки идишнинг синиқ жойидан ичиш билан инсоннинг лабига озор етиши ёки ўша жойдан кийимга, баданга сув тўкилиши мумкин. Қолаверса, идишнинг синиқ жойи яхши тозаланмай, бугунги тил билан айтсак, турли микроблар тўпланиб қолиши ва турли касалликларга сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам Набий соллаллоху алайҳи ва саллам умматни синиқ идишлардан фойдаланмасликка чақирганлар. Юқоридаги ҳадислардан қуйидагиларни тушунамиз:

1. Пиёла ёки косаларнинг синмаган жойидан сув ичса, макруҳ бўлмайди.
2. Агар чойнак, лаган каби тўғридан-тўғри оғиз билан эмас, балки (пиёла, қошиқ) орқали билвосита фойдаланидиган идишлар бўлса, макруҳ эмас.
3. Агар ўша синиқ идишдан бошқа идиш бўлмаса, ундан фойдаланиш жоиз.
4. Агар синиқ идишлар таъмирланса, улардан фойдаланиш кароҳиятсиз жоиз.
5. Демак, ҳадиси шарифдаги синиқ идишдан фойдаланишдан бўлган қайтариқ ножоизликни эмас, балки юқорида зикр қилиб ўтилган сабаблар билан маъқул кўрилмасликни англатади. Шунинг учун узрли ёки мажбурий ҳолларда синиқ идишлардан фойдаланишнинг зарари йўқдир.

Ўзбекистон
муслмонлари идораси
Фатво маркази

